~28-52 VII-XII 2009
июль – 2009

Газета 1991 йил 1 сентябрдан чиқа бошлаган

# Оила ва жамият

28 (922) сон
2 июль — 8 июль 2009 йил
Web-site: oilavajamiyat. uz



4

## САҲНА ОРТИДАГИ ОДАМ

## ЎҒИЛ КЎРМОҚЧИМИСИЗ, ЁКИ ҚИЗ?



7



14

## ФОТИҲА БУЗИЛСА...

## КИРИШ → 500 СЎМ, ← ЧИҚИШ ҲАМ...



16





## САХОВАТЛИ ЗАМИНИМИЗ ЎЗИНИНГ БЕБАҲО НОЗ-НЕЪМАТЛАРИНИ КЎЗ-КЎЗ ҚИЛАЁТИР



Шавкат СУЛТОНОВ
сурат-лавҳаси

## "ОБУНА — 2010"

*Шу йилнинг 1 июлидан бошлаб келгуси йил учун ОБУНА бошланганини эшитдингизми?*

*"Оила ва жамият"ни ўз оиласининг яна бир ҳақиқий аъзоси сифатида қадрлаб, биз билан ҳамфикр, дардкаш бўлиб келаётган муҳтарам муштарийлар!*

*Вақтни ғанимат деймиз, аслида эса дийдор ҳам ғаниматдир. Шундай экан, биз билан сал кам ўн саккиз йилдан бери гоҳи ғойибона, гоҳи юзма-юз дийдорлашаётган содиқ газетхонлар, келгуси йилда ҳам "Оила ва жамият" хонадонингизга беминнат ("сотиб олиб ўқирман" деганлар айрим шаҳар ва туманлардаги газета дўконларидан нашримизни топа олмаётганликлари ҳақида кўп бора ёзишаяпти) кириб боришини истасангиз, яхшиси, обуна бўлганингиз минг карра маъқул.*

**ДЕМАК, ОБУНА БОШЛАНДИ!**

## КЕЧА:

→ Қувайтнинг "Мусаид Бадр ал-Сайир" нашриётида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг "Юксак маънавият — енгилмас куч" китоби араб тилида чоп этилди.

→ Матбуотда Ватанимиз озодлигининг ўн саккиз йиллигига бағишлаб, ёзувчи ва шоирлар, журналистлар, тасвирий ва кино санъати намояндалари ўртасида анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган "ЭНГ УЛУҒ, ЭНГ АЗИЗ" танлови эълон қилинди.

## БУГУН:

→ Бугун Ўзбекистон Республикаси Давлат герби қабул қилинган кун(1992 йил) сифатида тарих зарварақларига битилган.

→ Бразилиялик тажрибали мутахассис Луиз Фелипе Сколари ниҳоят Тошкентга етиб келди ва «Бунёдкор» жамоаси билан 18 ойлик шартнома имзолаб, машғулотларни бошлаб юборди.

## ЭРТАГА:

→ Қизиқ, юртимизда ёз чилласи бошланган бўлса-да, синоптиклару ҳар хил башоратчиларни ҳам ҳайрон қолдирадиган об-ҳаво иқлими ҳукм сураётир: кундузи куйдиряпти, кечаси...

## ГАЗЕТА САҲИФАЛАРИДА:


| | |
|---|---|
| Никоҳ шартномаси: мажбурийми? | 2 |
| Хаста бўлмасдан бурун дўхтирга учрашинг | 3 |
| Пул — «қўлнинг кири» эмас! | 5 |
| Киракашни «чув» туширган йўловчи топилди | 7 |
| Ота тиззасида ўтирган бўй қиз | 11 |
| Омад тоғда эмас, оёғингиз остида | 13 |
| Фотиҳаси бузилган йигит ёки қиз бахтли бўлолмайдими? | 14 |
| Эр бермоқ — жон бермоқми? | 15 |

**МАҲАЛЛА МАСЛАҲАТЧИСИ**

# КЎНГИЛ ОЛИШ ОСОН ИШ ЭМАС

Одамлар бор, ўзларидан ортмайдилар, одамлар бор, ўзгалар дардига шерик бўладилар. Бугун юртимизда фаолият юритаётган аксарият маҳалла маслаҳатчилари ана шундай, бировга ҳамдард, елкадош бўлишга тайёр аёллар.

Улар ярим кечаси ҳам уйига маслаҳат, ёрдам сўраб келганларни ҳеч оғринмай тинглаб, тўғри йўл-йўриқ кўрсатадилар. Менинг иш вақтим тугади,—дея ўзгалар тақдирига лоқайд қарашмайди.

— Тўғри, ақлли аёл ҳар доим ҳам уйидаги можароларни бировга айтиб юравермайди. Аммо баъзан уйидаги ҳолатлар шу даражада қуюшқондан чиқиб кетадики, ўшанда аёл бу вазиятни ҳатто ўз онасига ҳам айтолмайди. Айтса, катта жанжал. Шунда улар нажот излаб, бизнинг ҳузуримизга келишади, — **дейди Самарқанд вилояти, Нуробод туманидаги Тепакул қишлоқ фуқаролар йиғини маслаҳатчиси Ойсифат Сафарова.** — Аччиқ устида бир оиланинг бузилиб кетиши ҳеч гапмас. Аммо айнан шундай пайтда холис бир одам, уни тўғри тушунадиган, маслаҳат берадиган киши керак. Аслида одам умр бўйи ҳаётни ўрганиб боради. Биз ҳам фаолиятимиз давомида кимлардандир сабоқ оламиз, кимларгадир ўргатамиз. Яъни одамларнинг тақдирлари бир-бирларига чамбарчас боғлиқ бўлгани каби, тарбияси ҳам бир-бирига ҳамоҳангдир. Мана, тарбиянинг асл илдизи қаерда экан?

Аёл қачон ўзидан қониқиб яшайди? Қачонки, фарзандлари камолини кўрса, уларнинг бахту иқболини туйса... Бугун аёлларимизнинг асосий вазифаси соғлом, баркамол, Ватанига, миллатига меҳр қўйган, шоир таъбири билан айтганда, «тупроғининг майсасини ҳам қадрлай оладиган» инсонларни тарбиялаш. Бу йўлда уларга ҳамроҳ бўлайлик!

**Гулруҳ МЎМИНОВА,**
**«Оила ва жамият» мухбири.**

**ҲУҚУҚ ВА БУРЧ**

# ШАРТНОМА ИХТИЁРИЙ, МАЖБУРИЙ ТУЗИЛМАЙДИ

**САВОЛ: — Никоҳ шартномаси тушунчаси ва у қандай қонунлар билан тартибга солинади.**

**ЖАВОБ:** — Никоҳланувчи шахсларнинг ёки эр ва хотиннинг никоҳда бўлган даврида ва (ёки) эр-хотин никоҳдан ажратилган тақдирда уларнинг мулкий ҳуқуқ ҳамда мажбуриятларини белгиловчи келишуви никоҳ шартномаси ҳисобланади.

Бу қоиданинг қонунчиликка кириб келиши сабаби бозор иқтисодиётини янада чуқурлаштириш, тадбиркорликни ривожлантириш ва хусусий мулкчиликнинг мавжудлиги билан боғлиқ.

Никоҳ шартномаси тушунчаси, уни тузиш шакли, ўзгартириш ва бекор қилиш ҳамда ҳақиқий эмас, деб топиш тартиби ва асослари, шартнома мазмуни Ўзбекистон Республикаси Оила кодекси, Фуқаролик кодексининг битимларни тартибга солувчи меъёрлари билан белгилаб берилади.

Шу билан бирга, Никоҳ шартномаси мазмун-моҳияти, унда қандай мол-мулкларга нисбатан мулкий ва шахсий ҳуқуқ-мажбуриятлар белгиланганлигига, яъни шартнома шартларига кўра, бошқа қонун ҳужжатлари ҳам қўлланиши мумкин (Масалан, тадбиркорлик фаолиятига оид, кўчмас мулкларни тасаввур этиш билан боғлиқ қонун ҳужжатлари).

**САВОЛ: — Шартномани тузиш тартиби қандай?**

**ЖАВОБ:** — Никоҳ шартномаси никоҳланувчилар ФҲДЁ бўлимларида исталган вақтда никоҳларини қайд эттиргунга қадар ҳам, шунингдек, никоҳ даврида ҳам тузилиши мумкин.

Никоҳ қонуний, ФҲДЁ бўлимида расмийлаштирилгунга қадар тузилган Никоҳ шартномаси никоҳ ФҲДЁ бўлимида қайд этилган кундан бошлаб кучга киради.

Ушбу шартнома албатта ёзма шаклда тузилиб, нотариал тартибда расмийлаштирилиши лозим.

Демак, Никоҳ шартномаси қонуний эр-хотин ёки келажакдаги эр-хотин ўртасида тузилиши мумкин. Шартнома шартлари тарафларнинг хоҳишлари билан белгиланади, лекин шартнома тузишга мажбур қилишга йўл қўйилмайди ва унинг шартларини белгилашда амалдаги қонун ҳужжатларига риоя қилиниши лозим.

**Саволларга Тошкент шаҳар Бектемир туман давлат нотариал идораси нотариуси Зуҳра Файзиева жавоб берди.**

# ШУ СОНГА ХАБАРЛАР




## ОИЛАВИЙ ТАЪЛИМ — ДАСТУРИ

Пойтахтимиздаги «Интерконтиненталь» меҳмонхонасида Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси ва БМТнинг Болалар жамғармаси (ЮНИСЕФ) ташаббуси билан «Оилавий таълим дастури» бўйича анжуман бўлиб ўтди. Унда Соғлиқни сақлаш ҳамда Халқ таълими вазирликлари, туман ҳокимиятлари, ЮНИСЕФ вакиллари ва халқаро мутахассислар иштирок этди.

Мазкур тадбирни ўтказишдан мақсад болалар саломатлиги, уларнинг ўсиши ва ривожланиши билан боғлиқ талаб ва эҳтиёжларни ўрганиш ҳамда оилаларнинг имкониятларини кенгайтиришга қаратилди. Болалар тарбияси ва парвариши амалиётини ўз фаолиятида синаб кўраётган маҳалла ва оила институтлари билан ҳамкорликда ишлашга қаратилган мазкур дастур йиғилганларда катта қизиқиш уйғотди.

Анжуман давомида мутахассислар оилаларнинг талабларини ўрганиш ва улардаги мавжуд муаммоларни тўғри ҳал қилиш Ўзбекистон болалари учун эрта таакомиллаштириш стандартларини янада ривожлантириш мақсадида «Оилавий таълим дастури» (ОТД) ёндашувлари ва услубларини қайта кўриб чиқдилар.

ОТД лойиҳасининг келгусидаги ривожланиши ва кенгайиши кўп жиҳатдан тақдимотлар, кичик гуруҳлардаги мунозаралар, кўргазма ва норасмий мулоқотларда эришилган натижаларига боғлиқдир. Шу маънода ОТД мутахассислари, тренерлари, кўнгиллилар, ҳуқуқ-тартибот идоралари вакиллари, хотин-қизлар қўмитаси, Халқ таълими ва Соғлиқни сақлаш вазирликларининг масъул ходимлари ҳамда маҳалла фаоллари ўртасида тажриба алмашишда ушбу тадбир катта самара бериши алоҳида таъкидланди.

## ПОЙТАХТДА ХАЛҚАРО АНЖУМАН

Сўнгги йилларда дунёда онкологик касалликларнинг кўпайиб бораётгани долзарб муаммолардан бирига айланмоқда. Айниқса аёллар орасида кўкрак бези саратони хасталиги ортаётгани ҳақида Жаҳон Соғлиқни Сақлаш Ташкилоти бонг ураётгани ҳам бежиз эмас.

Куни кеча "Интерконтиненталь" меҳмонхонасида Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, "Аёллар кенгаши" жамоат бирлашмаси ва унинг қошида ташкил этилган «Кўкрак бези саратонига чалинган аёллар» жамияти, Ижтимоий ташаббусларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси, республика онкология илмий маркази ҳамкорлигида "Кўкрак бези хавфли ўсмалари муаммоларининг тиббий аспектлари ва уни бартараф этишда жамоат ташкилотларининг ўрни" мавзусида халқаро анжуман бўлиб ўтди.

Ушбу нуфузли тадбирда етакчи мутахассис ва олимлар ўзларининг долзарб мавзудаги маърузалари билан фаол иштирок этишди. Шу куни яна бир муҳим тадбир яъни Тошкент шаҳридаги 4-юқумли касалликлар клиник шифохонасининг "Меҳр нури" жамғармаси ташаббуси ва ҳомийлар кўмагида қайта таъмирланган биносининг очилиши ҳам бўлиб ўтди. Унда юқорида қайд этиб ўтилган анжуман меҳмонлари яъни Австрия, Франция, Германия, Швейцария, АҚШ, Туркия, Россия, Япониядан келган тиббий ходимлар ва мутахассислар ҳам қатнашишди.

**Лутфия СУЯРОВА,**
**«Оила ва жамият» мухбири**

## ЭҲТИРОМ КЎРСАТИЛДИ

"Аскар оналарини шарафлаймиз" мавзуидаги тадбир Бобур номидаги Андижон вилоят мусиқали драма ва комедия театрида бўлиб ўтди.

Унга республикамизнинг турли ҳудудларида йигитлик бурчини ўтаётган вилоятимиз ўғлонларининг оналари таклиф этилдилар.

Тадбирда Шарқий округ қўшинлари қўмондонлиги тарбиявий ишлар бўлими бошлиғи Даврон Усмонов, вилоят ҳокими ўринбосари, вилоят хотин-қизлар қўмитаси раиси Нигора Яқубова, АДУ профессори София Воҳидовалар Ватанимиз сарҳадларини қўриқлаётган аскар йигитлар учун ҳарбий хизматда яратилган шароитлар ҳақида гапирдилар.

Асакалик меҳнат фахрийси Тошхон опа Ҳожиқосимова аскар оналари номидан кўрсатилган ҳурмат ва эҳтиром учун ташкилотчиларга миннатдорчилик билдирди.

Аскарлар ҳаётини акс эттирувчи видеолавҳалар намойиш этилди. Куй-қўшиқлардан кўнгиллар хушнуд бўлди.

Тадбир сўнггида меҳмонларга вилоят ҳокимининг эсдалик совғалари топширилди.

**Зумрадхон АБДУЛЛАЕВА,**
**Андижон вилояти**



# ЭЗГУЛИК ЙЎЛИ
## *оиладан бошланади*

Никоҳ — давлат ва жамоат манфаатларини кўзлаб, шунингдек, эр билан хотиннинг, болаларнинг шахсий ҳамда мулкий ҳуқуқларини, манфаатларини муҳофаза этиш мақсадида қайд қилинади. Фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш идорасида тузилган никоҳгина расман тан олинади ва эр билан хотиннинг ҳуқуқ-мажбуриятларини тартибга солади. Агар никоҳ ушбу ваколатли даргоҳда тузилмаса, яъни қайд этилмасдан, диний ташкилотларда тузилган бўлса, бундай никоҳ ноқонуний ҳисобланади. Шундай тартибда тузилган оилаларга ҳеч қандай шахсий ва мулкий ҳуқуқ ҳамда мажбуриятлар юкланмайди.

Оила вужудга келиши биланоқ эр-хотиннинг оилавий ва болалар тарбияси масалаларини амалга оширишда тенг ҳуқуқлилиги, оилани бошқаришдаги мажбуриятлари ҳам тенглашади. Эр-хотиннинг бу мажбуриятлари ўзаро ҳурмат, дўстлик ва ҳамжиҳатлик билан амалга оширилиши оиланинг мустаҳкам бўлиши кафолатидир. Бундай оилада яшаётган фарзанд ҳам илми, танлаган касби, ҳалол меҳнати билан ота-оналарини хурсанд қиладилар, шунингдек, жамиятимизга фойдали инсон бўлиб етишадилар. Ота-она учун эса, бу жуда катта бахтдир. Уларнинг ўзаро муносабатлари, кийиниши, кишиларга қиладиган муомаласи, қолаверса, уларнинг ижобий, салбий томонлари, хулқ ва одобларига тақлид қилади.

Оилани мустаҳкамлашда эр-хотин ва бошқа оила аъзолари айниқса, қайнона-қайнота билан келин ўртасидаги муносабатларнинг яхши бўлиши, бир-бирини иззат-ҳурмат қилишлари бениҳоя катта аҳамиятга эгадир. Ҳаётда учраб қолади: баъзи оналар арзимаган сабабларни баҳона қилиб, қизларининг турмушини, шунингдек, келини билан ўғлининг орасини бузиб, ўз болаларининг бахтсиз бўлишига сабабчи бўладилар. Бундай инсонларнинг ҳаракатларига қандай баҳо бериш мумкин?

Ҳали орамизда бирон жойда ишламай, оиладаги масъулиятдан узоқда, ахлоқи бузуқ, ичкиликка берилган ўз аёлига қўл кўтарувчи, болалар тарбияси ва уй-рўзғор ишларини хотинлар зиммасига юклаб қўювчи эркаклар ҳам йўқ эмас. Ажралишга мажбур қиладиган иллатлар, аввало оиладаги маънавий муҳитнинг бузилиши натижасида бўлаётган жанжаллар, ўзаро келишмовчиликлар, қайнона-қайнота билан яхши муносабатда бўлмаслик бўлса, иккинчи томондан эса баъзи йигит ва қизларнинг кўп қиррали ҳаётга яхши тайёр бўлмаслигидир.

**БАХТ ОСТОНАСИ**

Ўзаро келишмовчиликлар, оилавий жанжаллар жамиятга ҳам, оилага ҳам иқтисодий ва маънавий зарар келтиришига гувоҳмиз. Яна бир хавфли томони шундаки, оилада эр-хотин ўртасидаги жанжаллар фарзандлар тарбиясига, уларнинг ўқиши ва саломатлигига жиддий таъсир кўрсатиши табиий. Бундай оилада тарбия кўрган бола турмуш қурганда ҳам қийналади. Шу боис ота-оналарнинг оилавий ҳаёти қанчалик мустаҳкам, тотув, иноқ бўлса, болалар тарбияси ва уларнинг келажак тақдирига шунчалик катта таъсири бор.

Яхши оила аъзоси, яхши раҳбар, яхши мутахассис тарбиячи ва мураббий ҳисобланади. Оилавий ҳаёти нотинч бўлган етук мутахассис ҳар қанча тиришмасин, фаолияти юксалмайди. Шунинг учун ҳам ёш йигит-қизларни оилавий ҳаётга тайёрлаш ҳар бир мактаб, олий даргоҳ ва меҳнат жамоасининг энг асосий вазифаларидан биридир. Фикримизга исбот сифатида мактаб ва бошқа ўқув юртларида никоҳ ва оила ҳуқуқини кенг ҳажмда ўқитиш зарурияти бугунги ҳаёт талаби эканлигини алоҳида таъкидламоқчимиз.

Ҳар бир йигит-қизга, келин-куёвга тилагимиз, Оила — жамиятнинг муҳим асоси экан, эзгулик йўлини танлаган озод ва обод юртимизда ҳамма ҳавас қиладиган ибратли оилалар кўпайсин.

**Муҳайё ОХУНЖОНОВА,**
**Қўқон шаҳар ФҲДЁ бўлими мудири.**

*Ушбу рамз остида берилаётган мақолалар Ўзбекистон мустақил босма ОАВ ва Ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди томонидан ажратилган грант асосида тайёрланди.*

# ҲАФТАЛИК ХУЛОСАСИ: ХАЙРЛИ!

СОҒЛОМ АЁЛ — СОҒЛОМ КЕЛАЖАК

**Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ташаббуси билан Тошкент шаҳридаги Яккасарой тумани кўп тармоқли марказий поликлиникасида «Туғиш ёшидаги аёлларни диспансеризация қилиш ҳафталиги» ўтказилиб, ушбу тадбирга тумандаги 18 та маҳаллада яшовчи туғиш ёшидаги аёллар жалб этилди.**



Бир ҳафта давом этган ҳафталикда минглаб аёллар иштирок этди, — **дейди поликлиника бош шифокори Саидмурод Исмоилов.** — Қайси бир аёл саломатлиги жойида эканидан кўнгли хотиржам тортган бўлса, кимдир хавф солиши мумкин бўлган касаллиги аниқланиб, олдини олишга киришди. Бизнинг бу ташаббусимиз келажакда қанча оилаларга хотиржамлик олиб келишига яна бир қанотдир.

— Поликлиникамизда аёллар ва болалар соғлиғини яхшилаш йўлида қониқарли ишлар амалга оширилмоқда, — **дейди бош шифокор ўринбосари Лола Саиджонова.** — Бизга мурожаат қилган аёллар текширувдан ўтказилиб, қон, пешоб ва бошқа таҳлиллар орқали айрим касалликлар аниқланиб, натижаларни шу куннинг ўзидаёқ олишди. Бу эса энг муҳими, уларнинг вақтларини тежайди.

Шаҳардаги 8-сон туғруқ мажмуаси бош шифокори, профессор Тоймас Тўлаганов ҳамда Яккасарой туман тиббиёт бирлашмаси бош гинекологи Галина Алиевaларнинг фикрича, аёллардаги кўпгина касалликларнинг келиб чиқиш сабаблари уларнинг қони меъёрда эмаслигида экан. Камқон аёлларнинг иммунитети паст бўлиб, бундай ҳолатда улар энг енгил касалликларни ҳам енгиб ўтолмаслиги, бунинг натижасида жиддий касалликлар келиб чиқиши мумкинлигини таъкидлашди.

Янги чиқаётган дори-дармонлардан кўпчилик аёллар бехабар. Улар ҳақида ҳамма шифокорлар ҳам яхши маълумотга эга эмаслар. Аёллар ўз саломатликлари ҳақида вақтида қайғуриб, мутахассислар томонидан тавсия этилган дорилардан тўғри фойдаланишни йўлга қўйиш кераклиги ҳам ушбу тадбир давомида эътибордан четда қолмади.

— Баъзида ҳаво етишмаётгандек бўлиб, нафас олишим қийинлашиб қоларди. Арзимаган нарсалар учун ҳам асабийлашиб кетардим. Эндокринолог шифокор бўқоқ касаллиги борлигини аниқлаб, керакли маслаҳатларни берди, — дейди Яккасарой-1 маҳалласида яшовчи Муҳтарама Қосимова.

— Кейинги пайтларда жигарим тез-тез безовта қила бошлади. Шифокорга бориб кўринай дейману, ҳар гал орқага сураман, — дейди Яккасарой-1 маҳалласидан келган Маҳмуда Абдуманнопова. — Оғриқ безовта қилганида тинчлантирувчи дори ичиб олардим, шу билан бироз эсимдан чиққандай бўларди. Ҳамшира қизлар уйимизга келиб мажбур қилмаганида билмадим, бирор ёмон касалликни орттириб олган бўлармидим. Яхшиям уларнинг қистови билан поликлиникага келганим. Жигаримда сурункали холецистит борлиги аниқланди.

Ҳафталикка республиканинг энг нуфузли шифокорлари таклиф этилган. 6 нафар гинеколог республика акушерлик ва гинекология илмий текшириш институтидан 2 та онколог, 1 та маммолог шаҳар онкология диспансеридан 2 та психолог 1-сонли шаҳар руҳий касалликлари диспансеридан қўшимча равишда жалб этилди.

— Ушбу ҳафталик аёлларимизнинг соғлиқларини асраб, доимо гўзал бўлиб юришлари учун яна бир имконият бўлди, — дейди Яккасарой туман ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Дилором Шарипова.

Биз аёллар ўз соғлиғимиз ҳақида кўпам қайғурмаймиз. Яхши юрибман-ку, ҳеч қаерим оғримаяпти, деган баҳона билан ўзимизни юпатамиз. Касал бўлсак ҳам иложи борича, даволанмасдан, шифокорга боришдан бош тортиб, вақтни ўтказамиз. Гарчи бунга вақтимиз бўлса-да, имкон тополмаймиз. Ёки оила бюджетига зарар етишини ўйлаб четга сурамиз. «Фалончихон касалини ўтказиб юборибди, шифокорлар ҳам ёрдам беролмабди», деган гапларни эшитгачгина саросимага тушиб қоламиз. Ана шундай аҳволга тушиб қолмаслик учун ўзимиз ҳақимизда бугундан қайғурайлик.

**Нигора РАҲМОНОВА,**
**«Оила ва жамият» мухбири.**

ҚАРОР ВА ИЖРО

# СПОРТСЕВАР САНАМЛАР

«Аёл рўзғор юмушлари, яна жамоат ишлари югур-югури билан шундоқ ҳам тиним билмайди, унинг спорт билан шуғулланишига ҳожат бормикан?» деган фикрлар нотўғри эканини бугунга келиб кўпчилик чуқур англаб етмоқда. Буни спортчи хотин-қизларнинг сафи йил сайин кенгайиб бораётганида ҳам кўриш мумкин. Уларнинг интилишларини қўллаб-қувватлаётган, рағбатлантириб бораётган ҳукуматимизнинг хайрли ҳаракатларидан беҳад мамнунмиз.

Бугунги кунда вилоятимизда жами 3709 та ўйингоҳ, спорт зали, сузиш ҳавзаси, баскетбол, волейбол, қўл тўпи, футбол майдонлари, теннис корти, велотрек ва отчопар каби спорт иншоотлари мавжуд бўлиб, уларда 300 минг нафардан ортиқ хотин-қизлар жисмоний тарбия ва спорт билан мунтазам шуғулланмоқда. Шунингдек, 45 та спорт мактабларида ҳам 7360 нафар қизлар спортнинг 34 тури бўйича машғулотларда қатнашишяпти.

Ўтган йилда хотин-қизлар, айниқса, уй бекалари, маҳалла аёллари ва оилалар ўртасида жисмоний тарбия ва спортнинг оммавийлигини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони ижросини таъминлаш юзасидан бир қатор спорт мусобақалари ўтказилди. Уч босқичли вилоят спартакиадаси ва «Ёшлар йили»га бағишланган спортнинг 7 тури бўйича вилоят тиббиёт, халқ таълими ва ўрта таълим касб-ҳунар коллежлари талаба қизлари ўртасидаги спартакиадаларда жами 16 минг нафардан ортиқ хотин-қизларнинг иштирок этгани уларда спортга, соғлом турмуш тарзига нисбатан ижобий муносабатнинг шаклланиб бораётганидан далолат беради.

Шуни алоҳида таъкидлашни истардим, бугун хотин-қизларнинг, айниқса, қишлоқ ва маҳаллаларда истиқомат қилаётган аёлларнинг спорт ҳақида, унинг саломатликка келтиражак фойдаси хусусидаги тасаввурлари, тушунчалари бойиган. Албатта, спортда ҳаракатлар, интилишлар ғалаба билан ўлчанади. Шу нуқтаи назардан вилоятимизнинг спортсевар хотин-қизлари эришаётган муваффақиятлар ҳақида фақат қувонч билан сўзлаш мумкин. Ўтган йилнинг 18-24 ноябр кунлари Африка қитъасининг Того давлати, Ломе шаҳрида дунёнинг 50 дан ортиқ давлатидан ташриф буюрган 500 нафар спортчи иштирок этган еттинчи жаҳон чемпионатида спортнинг белбоғли кураш тури бўйича тўрақўрғонлик Ўғилой Латипова 58 кг. вазн тоифасида жаҳон чемпионатининг бронза медалини қўлга киритди. Айнан шу тур .бўйича Москвада ёшлар ўртасида бўлиб ўтган жаҳон чемпионатида эса вилоятимиз вакили — Гулхумор Қаюмова 3-ўринни эгаллади. Дилфуза Акбарова 21-22 декабр кунлари Малайзияда ўтган каратэ бўйича Осиё чемпионатида 2-ўринни эгаллаб қайтди.

Бир сўз билан айтганда, Наманганнинг спортсевар санамлари ўтган йилда республика ва халқаро миқёсидаги спорт мусобақаларида 48 та олтин, 79 та кумуш, 142та бронза медалларини қўлга киритишди. Улар орасидан 1 нафар халқаро тоифадаги спорт устаси, 5 нафар спорт устаси, 58 нафар спорт усталигига номзод, 144 нафар 1-разрядли, 200 нафардан ортиқ оммавий разрядли спортчилар тайёрлашга муваффақ бўлинди. Мадина Аюпова (стол тенниси), Руфина Нигматуллина, Регина Чарух, Гузела Хамитова, Ойдина Зунурова, Ангелина Егорина, Регина Шарифулина (сув полоси), Зилола Нишонова, Нурия Юсупова, Наргиза Мирзобидонова, Қундуз Раҳимова, Нигора Йўлдошева, Ситора Нишонова (чим устида хоккей)лар Буюк Британиянинг Лондон шаҳрида ўтказиладиган XXX-ёзги олимпиадада иштирок этиш учун тайёргарлик кўрмоқдалар.

Булар вилоятимиз спортчи хотин-қизлари эришаётган муваффақиятларнинг айримлари, холос. Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, наманганлик хотин-қизлар ижтимоий ҳаётнинг ҳар бир жабҳаси қатори спортда ҳам пешқадам бўлиб бораётирлар. Улар «Соғлом аёл — соғлом келажак демакдир», деган ҳикматли сўзлар маъносини ўз ҳаёт фаолиятларида исботлашаётгани янада қувончлидир.

**Сапияхон РАҲИМОВА,**
**Наманган вилояти ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси.**

БУНИ УМР ДЕРЛАР

# 106 ЁШЛИ БУВИНИСО МОМОНИНГ НИЯТИ



Жиззахда пири бадавлат, юз билан юзлашган нуронийлар кўп. Ана шундай фариштасифат инсонлардан бири Пахтакор туманидаги "Чаманзор" қишлоқ фуқаролар йиғинида умргузаронлик қилаётган Бувинисо момо Саидовадир.

Онахоннинг олти фарзанди ҳам эл-улус хизматига камарбаста. 105 нафар невара, чевара, эваралар эса ўзларининг суюкли бувижонлари атрофида парвона. Ҳар ҳафта қай бир ҳовлига момо меҳмон бўлиб боргудек бўлса, шу куни тўйга айланиб кетади. Нафақат яқин қариндош-уруғлар, балки маҳалла-кўйдаги каттаю кичик Бувинисо аяни бир зиёрат қилмоққа, икки калима ширин сўзларини эшитмоққа шошилади.

— Биз кўрган замонлардаги воқеаларни айтиб берсам, биров ишонади, биров ишонмайди,— дейди онахон ёнидаги набираларига ишора қилиб. — Буларга эртакдай туюлаётган очарчилик, қаҳатчилик ва қирғинбарот кунларни кўрдик. Энди эсимга тушса тирик қолганимизга шукр қиламан. Худойимнинг карами кенглигини қаранг, ҳеч тушимизгаям кирмаган даврларни кўраяпмиз. Ишонасизми болам, ҳатто пулимизгаям бир бурда нон тополмаган кунларимиз бўлди. Энди эса гоҳида нонларни увол бўлаётганини кўрсам, йиғлагим келади. Болаларимга тайинлайман: Ҳеч қачон нонни хор қилманглар, мана, ҳозир тўқчилик замони, бировнинг бировга муҳтожлик жойи йўқ, Лекин шундаям исрофгарчиликка йўл қўйган рўзғордан билингки, барака кетади. Бу насиҳатларимга ҳамма ўрганиб қолган ҳозир. Дуога қўл очсам, невара-чевараларим баббараварига дастурхондаги ушоқларгача териб қолишади. Ана шунинг ўзиям ибрат-да.

Дарвоқе, Бувинисо момо бир асрдан кўпроқ умрни яшаб қўйган бўлсалар-да, ҳамон руҳи тетик, хотираси кучли. Ҳатто бошлаган гурунгини охиригагача етказмай қўймайди. Чеккан азоб-уқубатларини достон қилишни ҳам унчалик хуш кўрмайди ва энг кўп такрорлайдиган сўзи шундай:"Ҳеч қачон нолиманглар, сабру қаноатда, шукр қилмоқда катта ҳикмат бор. Бир-бирларинггга меҳру оқибатли бўлинглар!"

Ушбу тилак ҳаммамизга йўлдош бўлсин!

**Абдужаббор АҲМЕДОВ,**
**«Оила ва жамият» мухбири.**

# САҲНА ОРТИДАГИ ОДАМ



## ёхуд бастакор Султон Али РАҲМАТОВнинг ҳаётий ва ижодий фаолиятига айрим чизгилар

### РУБОБДАН ФАГГОТГАЧА

Султон Али Раҳматов 1970 йилда Тошкент шаҳрида туғилган. 3-синфга ўтганида онаси Лобархон опа уни махсус ҳарбий мусиқа интернатига, рубоб йўналишига беради. Ҳаваскорлик Султон Алида бешинчи синфдан жиддий қизиқишга айланди. Миллий-мумтоз куй-қўшиқлардан тортиб, жаҳон классикаси, лирика ва замонавий эстрада йўналишида эшитган мусиқаларини пианинода чалиб кўрарди. Айниқса, юқори синфларда ўқиган даврида жаҳон эстрадаси мусиқаларига меҳри ортди. Ўнинчи синфда пуфлаб чаладиган чолғулар йўналишида ўқиб «фаггот» деган асбобни чалиши керак эди. Негадир қизиқмаганлиги туфайли учта чоракда шу создан имтиҳон топшира олмай кетма-кет «икки» олди. Қараса, аҳвол жиддий, ўртоқлари институтга киришга тайёргарлик кўряпти. Агар шу соз бўйича синовдан ўтмаса, консерваторияга кира олмаслигини тушунди ва астойдил шуғулланиб, имтиҳонни «беш»га топширди. Шу йилнинг ўзида консерваторияга ана ўша соз йўналиши бўйича ўқишга ҳам кирди.

### КИТОБ ЎРНИГА КАССЕТА...

Султон Али мусиқа илмини ўрганишда ўзига хос йўл тутарди. Яъни имконияти бўлди дегунча, аудио кассета сотиб оларди. Бунинг сабабини ўзи шундай изоҳлайди:

**— Бошқа касбдаги инсонлар китоб ўқиб, билим ўрганадилар. Мен учун кассета китоб вазифасини ўтайди. Уларни қайта-қайта эшитаман. Ҳар биридан ўзига хос маънони «ўқигандай» бўламан, йўналиш, созлар ижросининг фарқларини таҳлил қиламан, мусиқачилар мактаби, яратган ижод намуналари тарихини ўрганаман. Айниқса, 1985-87 йилларда «Энигма»нинг аудио кассетаси чиққанди. У мени тамоман ўзига маҳлиё этиб қўйди. Уни тинглаганда ўзимни худди бошқа оламга тушгандай тасаввур қилардим. Ҳар бир чолғу асбобининг вазифаси, ижроси ниҳоятда сирли эди. Ҳозиргача ҳам дунёда янги чиққан мусиқаларни тинглаш менинг энг севимли машғулотим.**

### ХАЙР КОНСЕРВАТОРИЯ, САЛОМ ЭРКИН ИЖОД!

Султон Али учун мусиқа илмини яхши ўзлаштириш фақат олий ўқув юртида ўқиш билан кифояланмасди. Бунинг устига консерваторияда фаггот чолғуси билан шуғулланиш унга ёқмасди. Кўпроқ мустақил мусиқа чалиш билан машғул бўларди. Олий даргоҳдаги таҳсилнинг дастлабки йилидаёқ уни ТошДУ (ҳозирги ЎзМУ) қошидаги маданият саройига ишга таклиф қилишади. Султон Али бу таклифга рози бўлиб, ҳаваскор талабалардан иборат «Хушрўй» эстрада ансамблига асос солади. Бу унинг биринчи жиддий иши эди. Бироқ консерваториядаги ўқиши қолиб кета бошлади. Иккинчи курсда унга ўқишни бастакорлик факультетига ўтказиб давом эттиришни маслаҳат беришди. Бу факультетда ўқиш кўп вақтни олар, шахсий ижод, мусиқа билан шуғулланишга халақит берарди. Шу боис Султон Али иккинчи курсдан ўқишни ташлаб бутун эътиборини мустақил ижодга қаратди.

### ПАРДА ОРТИДА...

Халқ яхши қўшиқ учун баҳони фақат ижрочига беради. Басталанган куй, унинг яратувчиси айрим пайтларда ёдга олинмайди ҳам. Ваҳоланки, санъаткорнинг эл орасида танилишида асосий вазифани бастакор бажаради. Султон Али 1989 йилдан қўшиқчи Равшан Комилов билан ҳамкорлик қила бошлади. Биргаликдаги тинимсиз машқлар, бир-бирини тушуниб ишлаш туфайли Равшан Комиловнинг овози кўлами (диапазони) кенгайди, сайқалланди. Санъаткорнинг машҳур қўшиқларини яралишида масъулият кўпроқ Султон Алининг зиммасига тушди. Муттасил ҳаракат ва ижод натижасида ўша пайтларда «Одам бўлдик», «Бола-бола», «Танго» деган қўшиқлари халқ орасида машҳур бўлиб кетди. Икки санъаткор биргаликда 1994 йилгача ҳамкорлик қилишди. Кейин ҳар ким ўз ижод йўлини танлади. Султон Али яна бир неча санъаткорлар билан ҳамкорлик қилиб, куй-қўшиқлар яратди. Аммо унинг номи баъзан бир-икки жойда қайд этилар, баъзан эсга олинмасди ҳам. Асосий эътибор, олқишлар қўшиқчиларга қаратилади. Парда фақат қўшиқчиларнинг ортидан ёпилар, бошқа ижодкорлар эса саҳнанинг орқасида қолиб кетарди...

### АНЪАНАВИЙЛИКДАН НОАНЪАНАВИЙЛИККА

Султон Али профессионал бастакор сифатида 1995 йилдан бошлаб мустақил ижод қила бошлади. Биринчи бўлиб «Ассалом, Ўзбекистон» куйини жамоатчилик эътиборига ҳавола этди. У халқ томонидан яхши кутиб олинди. Бу куй ўн бир йил давомида «Ўзбекистон» телеканалида ҳар куни эрта тонгда янгради. 1997 йилда Самарқандда ўтказилган «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивалининг мадҳиясини ҳам Султон Али ёзди. Бастакор 2000 йилгача кетма-кет мусиқий альбомларни чиқарди. 2001 йилда «Олтин хумо» танловининг ғолиби бўлди. Беш йил давомида «Йилнинг энг яхши бастакори» деб топилди. Султон Али ўзбек мусиқачилик анъаналарини жаҳон мусиқаси андозалари билан уйғунлаштирди ва ўзига хос йўналиш яратди. Буни мутахассислар халқаро йўналиш деб эътироф этишди.

Султон Али мусиқа яратишда ҳам миллий чолғулардан, ҳам камер, ҳам симфоник, ҳам пуфлаб чалинадиган оркестрдан, қўйингки, унинг тасаввурида жонланган товушларни берувчи турли-туман чолғулардан фойдаланади. Балки унинг ютуғи ҳам ана шундадир?

**— Мусиқа яратишда асосий йўналишим кенг қамровли. У фақат миллий чолғу, оркестрнинг бирор тури ёки замонавий эстрада йўналиши билан чегараланмайди Балки уларни бирга қўллаш орқали куй яратишга ҳаракат қиламан,** — дейди Султон Али. — **Битта мусиқада бир неча йўналишдан фойдаланаман. Масалан «Рақс»деган куйимда бешта ўзбекча, эронча, испанча, ҳиндча ва ивритча усулларни кузатиш мумкин. Менинг тасаввуримда жонланган ҳодисаларни қайси чолғу бера олса, ўшани қўллайман.**

У қандай мусиқа яратмасин, унинг асосини барибир миллий колоритдан олади. Айтайлик, эстрадага карнай садоларини биринчи бўлиб Султон Али олиб кирди. Ёки «Санъатим» деган куй танбур навосидан бошланиши ҳам шундай фикр билдиришимизга далил бўла олади.

2005-2006 йиллар Султон Али учун мураккаб кечди. Бир томондан шахсий ҳаётида кутилмаган ўзгаришлар содир бўлди, иккинчи томондан аввал онаси, кейин синглиси оламдан ўтди. Буларнинг бари Султон Алига таъсир қилмай қўймади. Маънавий-руҳий тушкунликка тушиб, саккиз ой давомида деярли мусиқа билан шуғуллана олмади. Ўзини жуда ёлғиз ҳис қилди. «Дардим йиғлар», «Ёлғизлик» каби мусиқалар ана шундай кайфиятда яратилди. Бу оҳанглар замиридаги дард, маҳзунлик кишини ўйлашга, ўтаётган умрига бир зум назар ташлашга ундайди. Султон Али бу даврда маълум пайт Европа давлатларида бўлди, дунё шоу бизнесини ўрганди.

### РЕГИСТОНДАН ДУНЁ САҲНАСИГА

2006 йилда Ўзбекистондаги биринчи концертини Самарқанднинг Регистон майдонида берди. Бунда ҳам бир рамзийлик бор эди. Унинг куйлари ўтмиш билан бугунни, бугун билан келажакни боғлайди. Ижодининг янги бир даврини асрлар гувоҳи — тарихий маконда, аждодлар мероси пойида ота-боболар руҳини ёд этиш орқали бошлади. Шунингдек, ушбу концерт Султон Али учун халқ олдидаги биринчи имтиҳон ҳам эди. Қарангки, у томошабинлар томонидан жуда яхши кутиб олинди ва бастакорнинг кейинги ижодига қанот бахш этди. Султон али ҳозиргача 1200дан ортиқ мусиқа яратди. У билан ҳамкорликда ишлашни хоҳлаган компаниялар, мусиқа бирлашмалари, ижодкорлар янги-янги таклифларни ўртага ташлади. 2006 йилда Бирлашган Миллатлар Қироллик Академиясининг фахрий аъзоси бўлди. 2008 йилда унинг яратган мусиқалари энг яхши деб топилиб, АҚШда шаҳзода Романовлар сулоласининг 2-даражали медали билан тақдирланди. Шу йили дунёга машҳур «Аскап» мусиқа компанияси унинг мусиқаларини ўзига хос йўл деб тан олди ва у билан ҳамкорлик қилишни таклиф этди. Голливуднинг машҳур кинорежиссёрлари, Раж Капур кино синдикати ҳамкорлик қилмоқчилигини билдирди. Аммо Султон Али улар билан ишлаш учун ҳали вақт етгани йўқ, деб ҳисоблайди.

### ЎЗИНИНГ ИЗОҲИ:

— Куйни яратиб, нотага тушириб қўйиш билан иш битмайди. Масалан, машҳур санъаткор Юнус Ражабий «Шашмақом»ни яратганида «мен бу куйларни нотага солдим, аммо уни ҳар бир созанда ўзининг талқинида ижро этади» деган экан. Жуда тўғри айтилган гап. Битта мақомни Комилжон Отаниёзов бошқача, Жўрахон Султонов бошқача айтган. Нота бир, аммо талқин, ижро бошқача. Шу нуқтаи назардан ҳар қандай миллий куй-қўшиқни асл олтинга қиёслаш мумкин. Унинг қадрини шу замин, шу халқ билади. Унга сайқал бериш, бошқа халқларга тушунарли томонларини очиб берсак, ўша мусиқа янада гўзаллашади. Менинг ўзим бир куйни яратиб, нотага туширсам ҳам, ҳар гал чалганимда бир-бирига ўхшамаган оҳанглар қўшаман. Бир куйни тўрт марта, тўрт хил чаламан.

### «ХАЁЛДА ЖОНЛАНТИРАМАН»

Султон Алининг бошқа бастакорлардан фарқи у яратган куйларини оркестр жўрлигида ўзи ижро этади. Бутун куйнинг паст-баландини ўзи бошқариб туради. Ҳар бир living созининг ижросини ҳис қилади. Айниқса, пианинода яралган куйларни оркестр жўрлигида жонли ижросини тинглашнинг гашти бўлакча. Унда ҳар бир товушнинг жонли овозини, оҳангини илғайди.

— Менинг энг севимли машғулотим ҳам мусиқа чалиш, балки агар ўзим иштирок этмасам, шу мусиқа шундай чиқмаслиги мумкиндир.

**— Импровизацияга муносабатингиз қандай? — сўраймиз бастакордан.**

— Импровизацияга ижобий қарайман. Умуман, ҳаммаси шундан бошланади. Эшитган куйни хотирада олиб қолиш, тасаввурлар орқали уни янги усуллар, йўналишлар билан ривожлантираман. Импровизацияни билмаган киши бастакор бўла олмайди. Баъзилар мусиқа яратиш учун гўзал табиат, тоғу тошларни кўриш, ундан завқланиш керак, деб айтишади. Мен ҳамма тасаввурларимни хаёлда жонлантираман ва уни куйга соламан.

### КАТТА РЕЖАЛАР

Султон Али асосий кучни ҳам, ҳордиқни ҳам, таскинни ҳам мусиқадан олади. Ўзи яратган студия унинг энг севимли маскани. Эрталабдан кечгача шу ерда вақтини ўтказади. Ҳозирги пайтда Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигига бағишланган тантаналарнинг мусиқий безаги устида ишлаяпти. Шунингдек, ушбу санага атаб алоҳида мусиқа ҳам яратяпти. Бундан ташқари бу йил Тошкентда «Одам Ато» деб номланган концертини беришга тайёргарлик кўряпти. Агар бу билан боғлиқ расмий-ташкилий ишлар ҳал бўлса, концертни сентябр-октябр ойларида ўтказишни мўлжаллаяпти.

### СЕРФАРЗАНД ОТА ЭЪТИРОФЛАРИ

Оила ҳақида Султон Алининг ўз қарашлари бор. Уни ҳаммага ҳам ошкор этавермайди. Ҳар кимга ўзининг оиласида бўлган воқеаларни тушунтиришга мажбур ҳам эмас. Оила уники, демак, қувончу ташвишлар ҳам ёлғиз шу оила аъзоларига тегишли. Султон Али учун эса оиласи, фарзандлари билан боғлиқ барча қадриятлар азиз. 2006 йилда синглиси Ҳамида вафот этгандан кейин, унинг болаларини ҳам ўзи фарзандликка олди. Унинг ҳозир 8 нафар фарзанди бор. Тўнғич қизини яқинда турмушга узатди. Энг кичик қизи ўн кунлик бўлди. Синглиси Гулнозага жуда меҳрибон. Кунда-кунора оиласи даврасида кўришиб туришади. Фарзандларнинг қизиқишларини қадрлайди. Лекин уларнинг орасида ўзи каби мусиқага қизиқадигани йўқ. Буни ҳам тўғри тушунади ва хафа бўлмайди. Фақат ўғилларининг компьютер ёнида кўп ўтиришларини оқламайди.

### ХУЛОСА ЎРНИДА

***Султон Али ҳақиқий маънодаги санъаткор. У табиатнинг гўзаллигини товушлар, оҳанглар орқали ҳис этади. Уни чолғуларга кўчириб, мусиқа замирига миллий оҳангларни сингдириб, тингловчига тортиқ этади. Мусиқа орқали одам ва олам синоатини англашга интилади. Бир сўз билан айтганда, гўзаллик яратади. Гўзаллик яратган инсонларга эса ҳамиша эзгу ниятлар ҳамроҳ бўлади!***

**Назира ҚУРБОН,**
**«Ойла ва жамият» мухбири.**



**Ҳозирги даврда одамларнинг пулга нисбатан муносабати кескин ўзгариб кетди. «Пул» сўзи истеъмолдаги энг кўп тарқалган жумлага айланиб улгурди десак, янглишмаймиз. Шундай экан, эндиликда ота-она қаршисида фарзандининг молиявий кўникмасини шакллантира бориш муаммоси ҳам кўндаланг туради. Истайсизми, йўқми, бу замоннинг талаби. Шу сабабдан кўпчилик ота-оналар ушбу мураккаб мавзуни болага қандай ва қай тарафлама тушунтириб беришда иккиланишади. Қуйида ота-оналар учун энг муаммоли бўлган саволларга жавоб беришга ҳаракат қиламиз.**

КУЗАТУВ

# ПУЛ — «ҚЎЛНИНГ КИРИ» ЭМАС!

## ёки болалар бу ҳақда нималарни билиши керак?

**БОЛАЛАР БИЛМАГАНИ ЯХШИ**

Аввало ота-онанинг ўзи бу саволни ечишга тайёрми-йўқлигини ҳал қилиб олишлари керак. Болалар оилада маблағ масаласида келиб чиқадиган қизғин баҳслару жанжалларнинг гувоҳи бўлмасликлари лозим. Чунки одатда, бундай тортишувлар пайтида эр ва хотин бир-бирларини пул топишни билмаслик, хасислик ёки аксинча, тежамсизликда айблашади. Бу эса бола кўз ўнгида ота-онасининг ҳурмати йўқолиб боришига олиб келади.

Масалан, икки ёшли гўдакка оилада ота ишлаб, пул топаётганини англашнинг ўзи кифоя. Бола отаси топаётган пулга унга ўйинчоқ, озиқ-овқатлар сотиб олинаётганини тушуниб етса, бас. Уч ёшга келиб эса, бола эндиликда «ойисининг мана шу чиройли қўғирчоқни сотиб олишга пули йўқлиги, аммо дадаси ойлик олиши биланоқ унинг бу тилаги рўёбга чиқишини» англаб етган бўлади. Тўрт ёшга чиққан бола «каттакон пахмоқ айиқни сотиб олишга пул йўқлиги, бунинг учун дадаси билан ойиси ўша маблағни унинг туғилган кунигача албатта йиғиб олишга» кўникиб қолган бўлади. Беш ёшли боланинг эса озми-кўпми, санашни ўрганганлиги сабаб рўзғорга қилинадиган муҳим харажатлар рўйхатини тузиб, унинг эътиборини ҳам шунга жалб этсангиз фойдадан холи бўлмайди. Бу рўйхатга эса, албатта фарзандингиз учун бирорта фойдали ширинликни ҳам киритиб қўйишни унутманг. Бола сизнинг сарф-харажатингиз қанчалик кўп бўлса ҳам унинг учун мева-чева ва музқаймоққа ҳам маблағ ажратилаётганини билиши керак.

Бола улғайган сари пул-товар муносабатлари ва уларнинг одамлар ҳаётидаги тутаётган ўрнини теранроқ англаб боради. Бу даврда фарзандингиз унинг укачаси бўлишини ҳам истаб қолган бўлади. Аммо у зинҳор оилада янги одамчанинг пайдо бўлиши учун молиявий имкониятларингизнинг қай даражада эканлигининг гувоҳи бўлмаслиги лозим. Янги уйга кўчиш, машина сотиб олиш, йирикроқ ниманидир пуллаш ёхуд ойисининг даволаниши учун кимдандир қарз кўтариш каби жиддий масалалар боладан холи тарзда ҳал этилиши керак. Бир сўз билан айтганда, фарзандингиз билан молиявий масалаларни ўртоқлашиш мумкин, бироқ уларнинг елкасига оғрикли муаммоларни ортмоқлаш ярамайди.

**МАСЛАҲАТЛАШСА, БЎЛАДИ**

Ҳа, баъзан шундай молиявий масалалар бўладики, уни ҳал этишда боланинг иштироки ҳам албатта зарур. Масалан, ота-она аввалдан тузиб олган режасига кўра болаларни чақириб, масалан, шундай деб сўрашади: «Биз даданг билан сизларга совға олишга қарор қилдик. Нима дейсизлар, ҳар иккалангизга биттадан кичкина ўйинчоқ машина керакми ёки икковингиз ҳам алмашиб ўйнай оладиган икки хил ўйинчоқ олайликми?»

**ДАРДНИНГ ДАВОСИ БОР**

Агар ота оилада онанинг алоҳида пул йиғаётганини қўллаб-қувватласа, она ҳам ўз навбатида отаси йиғина бошлаганини қувониб сўзласа, болани пул йиғишга қизиқтириш осон бўлади. Бола пул деганлари бугун бор, эртага йўқ бўлиб қолиши ҳам мумкинлигини тушуна бошлайди. Демак, у истаган нарсани унга бу ҳафта ҳам олиб беришмас экан-да? Агар бундай вазиятда (ҳар иккалангизда алоҳида жамғарма борлигини билгани учун) болангиз сизни қизғанчиқликда айблаб, аюҳаннос кўтарсаю, сиз эса унинг талабларини бажаролмаганлигингиздан ўзингизни айбдордек ҳис қила бошласангиз, демак пул — сизнинг оилангизда ҳукмронлик тимсолига айланган бўлади. Пулга нисбатан соғлом ва ҳушёр муносабатда бўлиш — мана бу дарднинг давоси.

Агар ота-она ҳаётида пул энг муҳими, барча суҳбатларнинг мавзуси бўлмаса, у



мумкин эмаслигига урғу беринг. Боланинг ўз маблағини нимага сарфламоқчи эканлигини тушунтиринг. У истаган нарсага бу пуллари етадими, йўқми, биргалашиб хомчўт қилинг. Ўзингизнинг маслаҳатлару хулосаларингизни сингдиришга уринманг — фақат савол бериб, жавобини эшитинг. Агар бола сиз унга бир ҳафтага деб берган пулингизни бир кунда сарфлаб, сиздан яна сўраса, унга босиқлик билан бу пулни у кейинги ҳафтадагина олиши мумкинлигини тушунтиринг. Энг муҳими, унга алам билан «айтгандим-а, мен сенга тежамли бўл деб, пулни каллангни ишлатиб сарфламайсанми?» дея танбеҳ берманг. Ҳаётий ҳақиқат барибир сизнинг дийдиёларингиздан устун. Шунингдек, «дадажон, мен ахир бу пулларнинг ҳаммасини кўчада ўтирган тиланчига раҳмим келиб бердим-да» деган оқлашларга ҳам учманг. Фарзандингизнинг қанчалар олийжаноб бўлишини истаманг, унга ҳаётий сабоқни берган афзал: ҳаттоки энг яқин кишингга кўмак берганингда ҳам, аввало ўз имкониятинг ва шароитингни ҳисобга ол. Қолаверса, бировнинг ҳисобидан олийжаноб ва сахий бўлишнинг кераги йўқ.

*(see above)* бола учун ҳам иккинчи даражали муаммога айланади.

**БИРОВНИНГ ҲИСОБИДАН САХИЙЛИК ҚИЛМАНГ**

Унутманг, биринчи марта болангизга чўнтак харажатлари учун пул берганингизда, ундан у бу пулларни неча кун учун олгани ва нималарга сарфламоқчи эканлигини албатта, обдон суриштиринг. Шу ернинг ўзидаёқ бу пулга нималар сотиб олишни тақиқлашингизни қатъий талаб қилинг. Масалан, у бу пулга тамаки, беҳаё суратлар ёки резина сақич олиши

**БОЛАГА НЕЧА ЁШДАН ВА ҚАНЧАДАН ПУЛ БЕРИШ КЕРАК?**

Болалар мактабга ўзи бориб, ўзи қайтадиган бўлган вақтданоқ чўнтак пулига эга бўлишлари керак. Тахминан тўққиз ёшдан бошлаб унга кўнгли тусаган нарсасини ейиши учун қўшимча пул бера бошлаш мумкин. Кичик мактаб ёшидаги болаларга йирик пул бериш яхши эмас. Катта ёшли болалар унинг пулини тортиб олиши ёки тамаки сотиб олишга кўндиришлари мумкин. Ўсмирларга эса улар кинога тушиши ёки музқаймоқ ейиши учун қўшимча пул беришнинг ўзи кифоя.

**ПУЛ ИШЛАБ ТОПИШИ КЕРАКМИ?**

Албатта. Фақат бунинг учун бола камида 14 ёшда бўлиши, унинг иш вақти эса бир ҳафтада 6-8 соатдан ошмаслиги керак. Бу меҳнатни сиз уйда бажараётган юмушларига қўшиб ҳисобламанг. Уй ишларини бажариш унинг оила аъзоси сифатидаги бурчидир. Ва бола айнан шу меҳнатлари туфайли ота-онасининг ҳурмати, миннатдорчилиги ва мақтовига сазовор бўлади. Аммо қўшни кампирникига сув ташиб бериш, ёки бошқа бир қўшнининг боласига бир-икки соат қараб ўтириши ва ҳоказолар... Энди бутунлай бошқа нарса. Булар юмуш эмас, ҳақиқий иш. Энг муҳими, бундай юмуш болани мактабдан чалғитмаслиги ёхуд жисмоний оғир бўлмаслиги керак.

**РАҒБАТЛАНТИРИШ ЖОИЗМИ?**

Ҳамма ота-онага ҳам бола яхши баҳо олгани, ўзини яхши тутгани, айтилган ишни кўнгилдагидек бажаргани учун уни пул билан рағбатлантириш фикри тўғри келавермайди. Аммо шунга қарамай, моддий қўллашнинг ҳам ўзига хос ижобий жиҳатлари ҳам бор. Энг муҳими — болани тўғри рағбатлантира олишдадир. Қолаверса, бола ўзи ишлаб топган бу пулларни кўпроқ қадрлайди ва уни ҳуда-беҳудага сарфлашдан тийилишга ўрганади.

**Интернет материаллари асосида Дилфуза ҚЎЗИЕВА тайёрлади.**

---

ОДАМЛАР ОРАСИДА

# ҲАҚАНЛИК РАИСА



**Ашурхон опа Қўзибоева Андижон тумани, Ҳақан қишлоғи, Бўрибой маҳалла фуқаролар йиғини раисаси. Ўзи яшаётган ҳудуднинг юрак уришини аниқ биладиган, қатъиятли ва фидоий аёлдир.**

— 34 йил 1-ХМКС да кадрлар бўлимини бошқардим. Бир жойда униб-ўсдим, — дейди Ашурхон опа. — Нафақага чиққач, ўзим истиқомат қилаётган маҳаллага маслаҳатчи, кейин эса раис этиб сайландим. Одамда мақсадини амалга ошириш имконияти пайдо бўлганида, у фавқулодда кучли бўлиб кетаркан...

Ашурхон опа ўзининг кексайиб бораётганига ишора қилди, чоғи. Лекин ўзини одамларсиз, уларнинг ташвишисиз тасаввур қила олмайди. Уларни ортидан эргаштириш, ишончини қозониш осон эмаслигини ҳам яхши билади. Ёлғонни ёмон кўради. Уларга ҳузур-ҳаловат ҳаракатдан келишини, меҳнатга ихлос қўйишгина инсонни тўкис ҳаётга бошлашини уқтиради.

Маҳалладаги 2553 нафар аҳолининг, 1168 хотин-қизнинг, 703 оиланинг жипслигида қаҳрамонимизнинг хизматлари беқиёс. Унга одамлар ўз дардини айтади, ишдан ҳеч тортинмайди. Чунки опа ким бўлмасин, дардини эшитади.

Раиса ҳар бир хонадоннинг паст-баландини беш қўлдай билади. 20 га яқин кам таъминланган оилалар, якка-ёлғизлар, боқувчисини йўқотганлар унинг синчков назаридан четда қолмайди.

Гулчеҳра Абдукаримовалар оиласи, болалари ташвишидан ортиб, ақлан заиф аммасининг ҳам қаровини ўз зиммасига олган. Ашурхон опа бу оиланинг шароитини билгани боис, уларга ёрдам тариқасида 25 та товуқ, Абдуқодир Ориповнинг оиласига ёрдам тариқасида бепул қорамол берилишига бош-қош бўлди. У маҳаллани обод гўшага айлантиришда ҳамиша фаолларга суяниб иш кўради. Иномиддин Тожибоев, Қозимжон Болтабоев, Райҳоной Қосимова, Хосиятхон Каримова сингари юрт ишига камарбаста инсонлар билан елкадош. Улар билан кенгашиб, маҳаллани ичимлик суви билан таъминлади. Гумбаз кўчасидан аҳоли эҳтиёжи учун 1,5 км. жой қайта таъмирдан чиқарилди.

— Халқ — энг катта куч. Маҳалла эса «митти ватан». Албатта, унинг ҳам ўзига яраша қувонч-ташвишлари бор. Мен нолийдиган, дангаса, танбал одам билан ҳеч чиқишолмайман. Аслида ҳал бўлмайдиган муаммонинг ўзи йўқ. Фақат аҳил бўлиб, бамаслаҳат ишласак, ҳалиги ношукурлар борку, шуларгаям инсоф киради, — дейди Ашурхон опа сўзида давом этиб. Қўни-қўшнилари, маҳаллдошларига қайишаётган саховатли, ишбилармон, тадбиркору, фермерларни бирма-бир санади. Ғуломжон Ҳалимовнинг ана шундай хайрли ишларини алоҳида таъкидлади. У ўзи яшаётган ҳудудда болалар учун 65 ўринли боғча қурдириб, ёшу-кексанинг дуосини олибди.

Нафақага чиқса-да, ҳамон маҳалла учун жон куйдириб, ҳар бир хонадондан хабар олиб юрган Ашурхон опа Қўзибоевани кўпчилик алқаб, «барака топсин, ҳақиқий жонкуяр», — дейишар экан. Маҳалладошларининг ишончини қозонгани боис маҳалла фуқаролар йиғини раиси (оқсоқол) ва унинг маслаҳатчилари сайловида Ашурхон Қўзибоева «Бўрибой» МФЙ раислигига яна қайта сайланди.

Ҳа, элга ишонганга, эл ҳам ишонади. Тўрт фарзанд, ўн бир набиранинг бувиси Ашурхон опанинг ғайрат-шижоати юрагида ўти бор ёшларникидан кам эмас. Илоҳо, кўз тегмасин!

**Зумрадхон АБДУЛЛАЕВА, Андижон вилояти.**





# BOLALAR DUNYOSI

## ORZULARI OSMON QIZALOQ

**Bizning jajji muxlislarimiz orasida kitobni sevadigan, she'rga, musiqaga, surat chizishga mehri baland bolajonlar juda ko'p. Ana shunday iqtidorli muxlislarimizdan Nilufar YUSUPOVAning qiziqishlari haqida uning ustozlari gapirib qolishdi. Nilufar Bektemir tumanidagi 291- umum o'rta ta'lim maktabining 6 "A»-sinf o'quvchisi.**

**— Nilufar, yozgi ta'tilda nimalar bilan mashg'ulsan?**

— Uy ishlariga qarashayapman. So'ng kitob o'qiyman, she'rlar yozaman, surat chizaman.

**— Ayni paytda qanday kitoblar o'qish bilan bandsan?**

— I. S. Turgenevning «Mumu» nomli asarini o'qiyapman.

**— Menimcha Mumu kuchukchaning ismi, shundaymi?**

— Ha.

**— Uning qiziqarli sarguzashtlari haqida gapirib bera olasanmi?**

— Bir keksa chol boyning uyida xizmatkor bo'lib ishlaydi. U kar va soqov bo'lgani bois hech kim bilan gaplasha olmaydi. Bir kuni u ariqdagi suvda oqib kelayotgan kuchukchani ko'rib qoladi. Uni uyiga olib kirib junlarini quritadi, sut berib qornini to'yg'izadi. So'ng unga Mumu deb ism qo'yadi. Shunday qilib ular do'stlashib olishadi.

**— Yana nimalarga qiziqasan?**

— Gullar o'stirishga.

**— Eng yaqin dugonalaring haqida gapirib ber.**

— Ular juda ko'p. Alina, Nastya, yana Nastya, Nigora, Lera, Marina. Ular bilan o'qigan kitoblarimizni muhokama qilamiz, Gullarni qanday parvarishlash haqida suhbatlashamiz.

**— Ustozlaringdan ko'proq nimalarni o'rganasan?**

— Odobli qiz bo'lishni, boshqalar so'zlaganda sukut saqlab tinglab turishni, kattalarni hurmat qilish kabi odatlar yaxshi fazilat ekanligini uqtirishadi. Ayniqsa, Xegay Emma Gennadiyevna, Xolida Nishonova, Go'zala Haydarovna, Elvina Kimalovnalarni dars o'tishlari menga juda yoqadi. Kelajakda ularga o'xshagan bilimli inson bo'lmoqchiman.

### OYIJONIM

*Oyijonim, mehribonum,*
*Sizni yaxshi ko'raman.*
*Aqlli qiz bo'lgin degan,*
*So'zingizga kiraman.*

*Siz kulsangiz uylarimiz,*
*Oppoq-oppoq nurga to'lar.*
*Tabiat ham yashnab go'yo,*
*To'rt fasl ham bahor bo'lar.*

### NASIHAT

*Daftaringga yozma,*
*U — seni yuzing.*
*Kitobingni yirtma,*
*U seni o'zing.*

Nilufar YUSUPOVA



Nilufar YUSUPOVA chizgan rasm

Sahifani Nigora RAHMONOVA tayyorladi

QO'NG'IROQCHA



### BIZ HAM KICHIK TADBIRKORMIZ

*Biz ham kichik tadbirkormiz,*
*Bo'lajak ishbilarmonmiz.*
*Ayniqsa, dars paytida,*
*O'ta o'jar hamkorlarmiz.*

*Yozsak agar uy ishin,*
*Matematikaning iksin.*
*Eslash kerak noaniqni,*
*Topsak olamiz «5»ni.*

*A'lochilar doimgiday*
*Topishadi iksni ham.*
*Ikkichilar boshi garang,*
*Ko'chirishar chala-chandon.*

*Iroda-chi ishbilarmon,*
*Ko'chirishda uddaburon.*
*Avraydi u a'lochini,*
*So'ng ko'charar uy ishini.*

*Yozma ish yozsak agar,*
*Men tomon xatlar jo'nar.*
*«Ikkinchi misolni ham,*
*Ishlab bersang zo'r bo'lar».*

*Shavkat, Ilhom, Akbarlar,*
*Termulishar men tomon.*
*Har bitta «4», «5» uchun,*
*To'lashadi ko'p tovon.*

Nilufar NURMATOVA,
Yunusobod tumanidagi 235-maktabning 6 «b» sinf o'quvchisi.


# ЎҚИШГА МАРҲАМАТ!

## «ZEHN-SHANS» ИЛМИЙ ЎҚУВ МАРКАЗИ

***Абитуриентларни олий ўқув юртларига ўқишга кириш учун қуйидаги фанлар бўйича тайёрлайди: кимё, биология, она тили ва адабиёти, математика, физика, инглиз тили, тарих, рус тили. Машғулотларни фан докторлари, фан номзодлари ва дарсликлар муаллифлари олиб борадилар.***

Марказ дарсларнинг юқори даражали сифатига кафолат беради.

Назарий ва амалий машғулотлар махсус чуқурлаштирилган дастурлар асосида ҳамда «Ахборотнома»лар, имтиҳон вариантлари бўйича ўтказилади. Ҳар бир фан ҳафтасига 3 марта 2 соатдан дарс жадвалига киритилади. Марказдан барча зарур дарслик ва ахборотномаларни сотиб олиш мумкин.

***Машғулотлар сентябрдан бошлаб 1 августгача 11 ой давом этади. Дарслар ўзбек ва рус тилларида олиб борилади.***

Бизнинг абитуриентларимиз: 2006 йилда - 85%, 2007 йилда - 92%, 2008 йилда - 99% ўқишга қабул қилиндилар.

**Натижалар билан марказда танишиш мумкин. Шунингдек, рус ва инглиз тилини ўрганиш курслари ҳам бор.**



**МАНЗИЛ:** Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, 2-мавзе, 14-а уй (9 қаватли бинонинг 1-қавати).

**Мўлжал:** Юнусобод, «Универсам» бекати, «Юнусобод» бозори қаршисида.

**ТЕЛЕФОНЛАР:** 8(371) 212-17-67, 212-34-80.

**ФИЛИАЛ:** Жиззах вилояти, Ғаллаорол тумани, «Мустақиллик» кўчаси, 39-уй.

**Қирқ йилдан бери умрим йўлда ўтаяпти. Нима қилай, тирикчилик! Қайсидир даражада бировнинг узоғини яқин, оғирини енгил қилаяпман, деб хурсанд бўламан, албатта. Ҳаётимда касбим билан боғлиқ кулгили воқеалар ҳам содир бўлган.**

***

Бир куни машинамга қари кампир ўтириб қолди. Юнусободга олиб бориб қўйишимни илтимос қилди. Йўл-йўлакай суҳбатлашиб кетдик. Ўғли катта ишда ишлар экан. Ҳар ҳафта онасидан хабар олиб турар экану, лекин негадир шу ҳафта бормабди. Шунга онаси

# КИРАКАШ КЎРГАН КЎЧАЛАР



хавотир олиб йўлга чиқибди. Атрофга қоронғилик тушиб қолгани учунми ёки кампир хотираси фаромушлиги сабаблими, ўғлининг уйини тополмабди. Сўраб-суриштирищдан, бирон наф йўқ. «Онахон, сизни уйимга олиб кетаман, менинг ҳам сиз тенги онам бор, иккалангиз маза қилиб суҳбатлашасиз. Худо хоҳласа, эрталаб ўғлингизнинг уйини, албатта, топамиз», деб қўярда-қўймай кампирни уйимизга олиб кетдим. Онам ва хотиним онахонни яхши кутиб олишди. Эрталаб у билан ўғлининг уйини изладик. Хайрият, бу сафар топдик. Ўғли дарвозасининг қаршисида турган экан. Кампир машинадан тушар-тушмас ўғлига дакки бера кетди: «Қанақа боласан? Нега уйга бормадинг? Сендан роса хавотир олдим. Келаётиб йўлда адашиб қолдим», деди. У «ишларим кўпайиб кетди», деб қўяқолди. Онахон қўлларини очиб, менинг ҳаққимга дуо қилди...

* * *

Шундай воқеаларнинг ичида кўнгилни хира қиладиганлари ҳам бўлиб туради. Янглишмасам куз ойлари эди. Олифтанамо кийинган бир йигит қўл кўтарди. «Аввал Сергелига борамиз, мен бир жойга кириб чиқаман, кутиб турасиз. Сўнг Алгоритмга олиб бориб қўясиз» деди. «Хўп», дедим. Кира ҳақини келишдик. Мен гапдонманми десам, у менданам ўтаркан. Йўл бўйи жағи-жағига тегмади. Аллақайси хусусий фирмада ишлашини, ойига фалон доллар топишини мақтанадими-эй... Ниҳоят, Сергелидаги кўп қаватли уй ёнида тўхтадик. «Амаки, сиз мана бу қутига қараб туринг, мен ҳозир ичкарига кираман-у, чиқаман, деганича йигит подъездга кириб кетди. Хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг, унинг қайтиб чиқишини нақ бир соат кутдим. Дом-дараги йўқ. Қутини очиб қарасам, ичи тўла қоғоз экан. Боланг тенги йигит алдаб кетса одамга алам қилади. Лекин энди «войдод» деганимдан не наф?..

Бу дунёда тоғ-тоғ билан учрашмаса-да, одам одам билан учрашар экан. Кунларнинг бирида «Ҳамза» метросининг шундоққина ёнгинасида ўша Сергелида мени лаққилатиб кетган йигит турарди. Қаршисига бориб тўхтадим. «Шундоқ «Бунёдкор»га ташлаб ўтсангиз. Пули қанча бўлади?» деб сўради у. «От билан туя бўлармиди, атаганингизни бераверасиз. Ўзи йўлим шу томонга, чиқаверинг!» дедим юзимни тескари бурганча. Йўлга тушдик. Олд ойнадан секин йигитга разм солдим. Машинани кўприк устида тўхтатиб, шартта йигитнинг ёқасидан олдим. Капалаги учиб кетди, лекин мени алдаб кетганини тан олмади. Бир-икки қаттиқроқ дағдаға қилишга мажбур бўлдим. Ялиниб-ёлвориб мендан кечирим сўрай бошлади. Сергелига борган йўл ҳақимни, «Бунёдкор»га борадиганимни ҳам қўлимга тутқазди. «Сатқаи йигит кетэ», деб уни ора йўлда, ўша кўприкнинг устида қолдириб кетдим...

* * *

Яқинда яна бир бинойидек кийиниб олган йигит йўлда тўхтатиб, «бир неча хотин-халажни бешик тўйига олиб бориб қўясизми?» деб сўради. Рози бўлдим. Иккимиз Чилонзорга бордик. Шунда у «торт олишим керак эди», деб роса чўнтагини ковлади. Аммо пулини тополмади. Менга «амаки 10 минг бериб туринг, уйга борганда бераман», деди. Мен ҳам анойи эмасман. «Ҳозир сенга пул берсам, шамол бўлиб кетасан. Кейин сени қаердан излайман. Сотқангни ташлаб кет. Ярим соат кутаман, чиқмасанг кетаман», дедим. У «Телефоним фалон пул туради. Бундан ташқари ҳозир менга қўнғироқ қилишлари керак. Менга ишонмаяпсизми, уйга борганда торт учун берган пулингизни ҳам, хизмат ҳақингизни ҳам бераман», деб туриб олди. Кўнгил бўшлик қилиб, ўн минг бериб юбордим. У қайтиб қорасини кўрсатмади...

***Ҳа, ана шунақа, «одамнинг оласи ичида», деб бекорга айтишмаган. Ҳайдовчи халқи қайсидир маънода руҳшунос бўлади. Турли тоифадаги йўловчиларни учратавериб кўзлари пишиб кетади. Гоҳ-гоҳида эса алданиб ҳам қолади.***

**Анвар киракашнинг айтганларини Суюндик МАМИРОВ ёзиб олди.**

## ✓ ҲАЁТ МАНЗАРАЛАРИ

## ✓ ШИФОКОР МАСЛАҲАТИ

**Б**иринчи фарзанддан кўра, иккинчи фарзандларини кутаётган оилаларда бола жинсига қизиқиш юқорироқ бўлади. Чунки ота-оналар оилада ўғил фарзанд ҳам, қиз фарзанд ҳам бўлишини хоҳлайдилар. Табиийки, оилада иккита бир хил жинсдаги фарзанд бўлиб учинчиси кутилаётган ҳолларда эса бола жинсига қизиқиш янада ортади. Лекин баъзан қиз кўпроқ туғилган оилаларда эркаклардан, «нимага яна қиз туғдинг?» деган таъналарни ҳам эшитиб қоламиз.

Уларни ҳам тушуниш мумкин, бироқ нима учун туғилажак фарзанднинг жинсига аслида жавобгарлик аёллар елкасига юкланиши керак? Хўш, туғилажак фарзанд

# ЎҒИЛ КЎРМОҚЧИМИСИЗ, ЁКИ ҚИЗ?



жинсига ким жавобгар?

Чақалоқнинг жинсига асосан сперматозоидлар жавобгар ҳисобланади. Уларнинг ярми X хромосомага, қолган ярми эса У хромосомага эга, тухум ҳужайра эса ўзида фақат X хромосомаларни сақлайди. Шундай қилиб жинсий ҳужайралар қўшилганда XX қиз ёки XУ ўғил пайдо бўлади.

Аёл организмида содир бўладиган ҳайз кўриш билан якунланадиган бутун бир жараён ҳайз цикли эканлигини бўлажак барча ота-оналар билишлари зарур. Ҳар бир ҳайз цикли аёл организмини ҳомиладорликка тайёрлаш ҳисобланади. Уруғланиш ва ҳомиладорлик одатда бу циклнинг ўрталарида овуляциядан кейин юз беради. Овуляция – етилган фолликулнинг ёрилиши ва тухумдондан уруғланишга тайёр тухум ҳужайранинг чиқиши. Агар шу пайтда уруғланиш юз бермаса, тухум ҳужайра нобуд бўлади. Ўғил бола Y сперматозоидлар чаққон, эпчил ҳаракат қилгани учун 15-20 см. лик масофани тезроқ босиб ўтиб, тухум ҳужайрага етиб оладилар. Агар шу пайтда тухум ҳужайра бачадон найида турган бўлса, албатта айнан биринчи Y ўғил бола сперматозоидлар етиб боради. Қиз X сперматозоидлар ўғил Y сперматозоидларга нисбатан кам ҳаракат бўлса-да, чидамлироқ ва ҳаётчанроқ бўлади. У сперматозоидлар тез ўз кучини йўқотади, икки кунлардан кейин улар ҳаракатсиз бўлиб қоладилар ва «ўйин»дан чиқишга мажбур бўлиб қоладилар. Майдонда фақат X хромосомаларгина қолади ва мағрур ҳолда қиз болани пайдо қилади.

Тақвим бўйича қилинадиган ҳисоблар фақат ҳомиладорликдан сақланиш учунгина асқотиши мумкин. Яна тўғри ичакнинг (ректал) эрталабки ҳароратини ўлчаш йўли билан ҳам овуляция кунини аниқлаш мумкин. Ҳайз циклининг ўрталарида 0,2 даражага кўтарилиши овуляция юз берганини кўрсатади. Аммо бу усул унчалик ишонарли эмас. Ҳозирги пайтда УТТ ва гормонларни текшириш энг аниқ усуллардан ҳисобланади.

Гормонларни текшириш учун ҳомиладорликни ташхислашда қўлланиладиган тест индикатор қоғозига ўхшаш бўлган махсус тест қоғози олинади. Улар сийдикдаги лютенловчи гормон миқдорига қараб овуляция кунини аниқлашга мўлжалланган. Бу усул юқори даражада аниқликка эга. Ультратовуш усули ёрдамида эса аёл ҳайз циклининг ўрталарида мунтазам равишда УТ текширувидан ўтиб туради. Агар тухумдондаги етилган фолликула катталиги 2 см.гача ўсиб борса, демак, яқин 2 кун ичида овуляция юз беради. Агар фолликула йўқ бўлиб ёки сариқ танага айланган бўлса, овуляция вақти аллақачон ўтиб кетган бўлади.

Шунинг учун агар ёш оилаларда узоқ кутилган ҳомиладорлик бўлмаса ёки бола жинсини режалаштирмоқчи бўлсангиз сиз албатта аёллар шифокори-гинеколог кўригидан ўтишингиз лозим, ҳамда зарур бўлган ҳолларда махсус ташхис усуллари-жинсий гормонлар миқдорини, УТ ёрдамида фолликул ўлчамини аниқлаш, сперма суюқлигини текшириш лозим бўлади.

**Зухра АБДИРАМАНОВА, гинеколог.**

## ✓ ҚИЛМИШ—ҚИДИРМИШ

...Саъдулла аканинг кундуз куни бироз мизғиб оладиган одати бор. Айниқса, нафақага чиққандан кейин бу одатини канда қилмайдиган бўлди. Кунлардан бир куни тушлик қилиб ховлиси олдидаги ёғоч сўрига ёнбошлаганча донг қотди. Бир маҳал пешонасини кимдир майин-майин силаётгандай бўлди. Бирдан ўгирилиб қаради. Ё, пирай! Кўз олдида шундай бир сарви санам турибдики, худди кўкдан тушган фариштанинг ўзгинаси.

— Кимсан, — деди уйқуга тўймаган кўзларини уқалаб. — Қаердан келдинг? Сени ким юборди? Нима қилиб юрибсан менинг уйимда?

— Тўхтанг, тўхтанг! Бунча саволга кўмиб ташладингиз? Бир чеккадан ҳамма саволларингизга жавоб бераман. Мен ҳам сиздай бир бандаман. Бошимга ташвиш тушиб сизнинг олдингизга келдим. Сиз ҳам ёлғиз экансиз, мен ҳам ёлғизман, дардимни ҳаммага достон қилмай сизга айтай...

— «Ие, чиндан ҳам буни Худонинг ўзи етказганга ўхшайди. Дунёда дардманд одамга дармон бағишлашдан катта савоб йўқ-ку, ахир? Қувиб солсам инсофдан бўлмас!» Саъдулла ака шундай хаёлларга борди-ю, рўпарасида турган қизга ишора қилди:

— Қани, ичкарига кирайлик.

Иккаласи изма-из ичкарига киришди, Саъдулла ака нотаниш қизга боғнинг бошланишидаги сўрига ўтиришни таклиф қилди.

— Исмим Салима, — деди кутилмаган меҳмон ўзини

# НОВВОТ ЧОЙНИНГ «МАЗАСИ»...

## бир умрга татийдиган бўлди

таништириб — фамилиям Саъдуллаева (исм-шарифлар ўзгартирилган). Ёшим 38 да. Хива шаҳрида туғилганман, оилам билан ажрашганман. Бир болам бор. Уйдан чиқариб юборишди. Тўғри келган жойларда яшаб юрибман. Агар раҳмингиз келиб, паноҳ берсангиз шу ерда жой топилгунча яшаб турсам дегандим.

Саъдулла ака қизнинг ўтмиши, қисмати ҳақида сўраб ўтирмади. Рози бўлди. Шу-шу Салима бу уйда қўним топди. Боласини ҳам олиб келди. Қўни-қўшни, қариндошлар дашном беришди: «Нима қиласан, нотаниш аёлга бунчалар ишониб, қараб тур, сени ҳали бир кун балоларга дучор қилади бу аёл!»

Бир куни уйига келса дастурхон тўла ноз-неъмат. Биллурдай товланиб турган новвот диққатини тортди. Буни сезган Салима дарров шохли новвотдан бир парчасини олиб катта пиёлага солди, устидан чой қуйди.

— Келинг, ўтиринг, — деди, — новвотда хосият кўп. Ёш келин-куёвлар ҳам, кексалар ҳам бежиз новвот чой ичишмайди, бунинг турган-битгани қувват. Олинг, ичинг тўрам!

Санобар ўрнидан туриб, хиргойи қилганича рақс туша бошлади:

***Новвот қўшиб чой бераман ичсангиз,***
***Юрагимдан жой бераман галсангиз...***

Саъдулла ака новвот чойнинг ҳақиқий «мазасини» кейинроқ билди. Олти ой ўтгач кунлардан бир куни Салима Саъдулла Ҳикматуллаев яшайдиган Хива шаҳридаги Ота Полвонов кўчасидаги 20-уйни шипшийдон қилиб кетди. Гиламлар, DVD плеер, яшириб қўйиган пуллари... Саъдулла ака чапак чалиб қолаверди. Салима бўлса новвот чойнинг (ва ўша машҳур қўшиқнинг ҳам) «мазасидан» бошқаларни ҳам баҳраманд қила бошлади.

Жумладан, унинг новвот чойига учиб, Хива шаҳар Р.Машарипов кўчаси 5-уйда яшовчи Саид уйидаги баклажкаларга солинган 20 литр пахта ёғи, бир халта ун, 20.700. сўм пулидан, Хива туман Паҳлавон Маҳмуд фермерлар уюшмасининг 2- бўлимида яшовчи Жиянбой бир дона чарм курткаси, яп-янги костюм-шими, сув насоси ва 140.000. сўм пулларидан, яна шу ҳудудда яшовчи Мерганбой уйидаги турли уй-рўзғор буюмлари, кийимлари, матолари ва 30.000. сўм пулидан айрилиб, ҳазил-хузул ўрнига ранж-алам гирдобида қолдилар. «Новвот чой» «спектакли»нинг баъзи саҳналаридаги ролларни ўйнашда Салимага дугонаси Гулсанам ҳам елкадош, тўғрироғи, шерик бўлди.

Холис одамлар ва ҳушёр ички ишлар бўлими ходимлари «новвот чой» операциясига якун ясашди. Уларнинг саъй ҳаракатлари билан бу чойни «дамлаган» Салима Саъдуллаева ва унга чойкашлик қилган дугонаси Гулсанам Ибодуллаеваларнинг ўзига хос «пазандалиги»дан ор-номусли, ҳаёли инсонлар қутулдилар.

**Эрназар РАЖАБОВ, Жиноят ишлари бўйича Хива туман судининг судьяси.**

**Абдулла САФОЕВ, Ўзбекистон журналистлар ижодий уюшмаси аъзоси.**

## АЁЛЛИГИМДАН УЯЛДИМ

Хизмат юзасидан бир маҳалла фуқаролар йиғинига бордим. Раис ва маслаҳатчи билан эндигина суҳбатлашаётган чоғимизда хонага бир аёл шаҳд билан кириб келди. Қиёфаси ҳам, важоҳати ҳам ёмон. Кира солиб, раисга қўлларини пахса қилганча ўшқира кетди.

— Кеча посбон билан маслаҳатчингни уйимга жўнатибсан. Нима ҳаққинг бор, менинг тинчимни бузишга?

Жувон жазавага тушиб жавраp,



уни биров эшитяптими, йўқми, эътибор ҳам бермасди. Раис уни тинчлантиришга уринди.

— Ўзингизни босинг, аввал мана бу жойга ўтиринг. Бафуржа гаплашамиз. Ҳеч ким сизнинг тинчингизни бузмоқчи эмас, аксинча манфаатингизни ўйлаяпмиз. Уйингизда яшаётган бегона одамнинг кимлигини суриштирдик холос...

Унинг гапи оғзида чала қолди.

— У бегона эмас, менинг эрим, билдингми? Уй меники, хоҳлаган одамимни обкириб яшайман! - чақчайган кўзларини раисга тикди аёл. У эса бу қарашларга дош беролмай ерга қаради. Назаримда, аёлнинг юзсизлигидан унинг юзига қарагиси келмасди.

— Эрингиз бўлса, никоҳингиз ҳақида қонуний ҳужжат бўлиши керак. Қолаверса, шу ерда доимий яшайдиган бўлса, ҳисобда туриши лозим, - суҳбатга қўшилди маслаҳатчи. Аёл энди унга юзланди.

— Балки эрим билан... сенларга ҳисоб беришим керакдир-а!?

Ҳамма жим қолди. Жимликни ғолиблик аломати деб билдими, аёл «тарс-турс» қилиб юрганча хонадан чиқиб кетди. Бу ерда юзага келган ноқулай ҳолатни изоҳлаш қийин.

— Биринчи марта аёл бўлиб туғилганимдан уялиб кетдим...

Бу маслаҳатчи опанинг сўзи эди.

Айтинг, аёл қачон бунчалар андишасиз ва тубан бўлишга улгурдийкин? Бу кетишда эртага нима бўлади? «Кўзингни оч, қадрингни топтама, бу қилмишингнинг оқибатини, ор-номусингни ўйла», дея минг бора ҳайқирсангиз ҳам айни пайтда у аёлнинг шуурига етиб бормасди барибир. Нега?

## БОЛАНИНГ ОТАСИ КИМ?

Бир аёл кўчада бир қизни учратиб қолгани, унинг адашгани, ҳали турмушга чиқмай туриб ҳомиладор экани, бегона бир йигитга ишониб, номусидан айрилгани, хуллас, аҳволи оғир экани ҳақида гапириб қолди. Кейин муддаосини айтди:

— Уни кўчага ташлаб қўйсам, ҳаёти баттар издан чиқиб кетадиганга ўхшайди. Уни туққунича уйимда олиб ўтираман. Эсон-омон кўзи ёригач, она бўлгач, хатоларини тушуниб етар. Ота-онаси уни уйга қўймаса-да, эҳтимол кечирар. Балки кейинроқ тенги чиқса, узатарман ҳам.

### ✓ СИЗ НИМА ДЕЙСИЗ?

Орадан бир неча ой ўтди. Ўша аёлни кўчада учратдим яна. Табиийки, адашган қиз ҳақида сўрадим.

Айтишича, қиз фарзанд кўрибди. Аёл уни чақалоғи билан икки ой парваришлабди. Аммо бир куни тунда уйғониб қараса, қиз ҳам, чақалоқ ҳам ўринларида йўқ эмиш. Уларни ошхонадан топибди. Она эндигина чилласи чиққан боласига ниманидир ичирмоққа шайланиб турган экан. Қараса...

Аёл қизнинг қўлидан болани тортиб олиб, шу тун уни ўзи билан олиб ётибди. Эрталаб турса, ҳалиги қиз ғойиб бўлган экан...

Айтинг, замондошим, кафтларимиз орасида авайлаб ўстирганимиз — гулғунчамиз қачон ҳаётнинг эгри сўқмоқларига кириб қолди? Нега бугун қизлар ҳаё, номус, ибо отлиғ бебаҳо либосларни осонгина ечиб отмоқдалар? Нега никоҳсиз бола кўришдан, боласининг қотили бўлиб қолишдан қўрқмаяпти?

## ОТА ТИЗЗАСИДА ЎТИРГАН БЎЙ ҚИЗ

Бир оилада меҳмон бўлдик. Хонадон соҳиби ҳам, бекаси ҳам ўқимишли, обрўли ташкилотларда ишлашади. Уларнинг адашмасам, мактабнинг 7 ё 8-синфида ўқийдиган қизи деярли ички кийимда юрар, на дадасидан, на меҳмонлардан андиша қиларди. Бунисиям ҳолва экан, овқатланиб бўлингач, ҳалиги қиз отасининг тиззасига ялпайиб ўтириб олса бўладими?! Ёнидаги - тарбия муассасасида ишлайдиган она ҳам бепарво, коллежда ўқийдиган аканинг эса парвойи фалак. Сездикки, бу ажабтовур манзара улар учун одатий ҳолга аллақачон айланиб бўлган экан.

Эртага ана шу қиздан одобли бўлишни, ҳаёли бўлмоқни талаб қилиш ўринли бўлармикан? Бўйи етиб қолган қиз отасидан ҳайиқмаса, акасидан уялмаса, эртага бегона йигитлардан қандай ийманаркан?...

**Шаҳло ТОШБЕКОВА,**
**Наманган вилояти.**

### ✓ «ЭНГ ЗУККО ОИЛА»

# ФИКР БЕЛЛАШУВИГА МАРҲАМАТ!

**▶ 1-САВОЛ**

Машҳур табиб Гиппократ **«Ҳакимнинг учта қуроли бор»**, дея уларнинг **биринчиси** — ширин сўз, **иккинчиси** — тиғ эканлигини таъкидлаган. Хўш, сизнингча, Гиппократ айтган учинчи қурол нима бўлиши мумкин?

**▶ 2-САВОЛ**

Таниқли грузин адиби Нодар Думбадзе: **«Мен абадият қонунини кашф этдим: Одамнинг юраги танасидан кўра юз баробар оғир. Уни ҳеч қачон бир ўзи кўтаролмайди»,** деган. Мулоҳаза қилиб кўрингчи, улуғ адиб бу гапи билан нима демоқчи бўлган эди?

***Азиз газетхон! Мана, «Энг зукко оила» деб номланган фикрий беллашув рукнининг ташкил этилганига ҳам бир неча ой бўлди. Муҳими, ушбу рукнимиз сизда изланишга, фикрлашга, ўйлашга рағбат уйғотаётган бўлса хурсандмиз. Эълон қилинаётган саволлар юзасидан таҳририятимизга ҳар куни кўплаб телефонлар бўлади, мамлакатимизнинг турли манзилларидан жавоб хатлари тинимсиз келаяпти. Биз сизга ҳар бир саволни беришдан олдин обдон ўйлаймиз. Зеро, бу савол сизга ва оилангизга нимадир бериши керак - ку! Битта жавоб устида оилавий бош қотириш, бир маърифий саволни фарзандлар билан муҳокама қилиш, шубҳасиз, шу хонадоннинг ички интеллектининг ўсишига ҳисса қўшади, деб умид қиламиз. Албатта, оиланинг бўш вақтини бекорчилик ё ҳар хил майда-чуйда гаплар билан ўтказгандан кўра «Оила ва жамият» газетасининг саволларига биргаликда жавоб излаш ҳар жиҳатдан фойдалироқ-да!***

***Сурхондарё вилояти, Денов шаҳрида яшовчи Бегимовлар оиласи йўллаган мактубда шундай сўзлар бор: «Ҳар гал гоҳо дастурхон бошида, гоҳ ўзаро суҳбатларимизда оилавий бўлиб саволларга жавоб излаймиз. Ҳатто ўз уйимизда ҳам ким саволларга аниқ ва кўп жавоб берса, ўзимизча мукофотлашни келишиб олдик».***

***Андижон вилояти, Балиқчи тумани, Чинобод шаҳарчасида яшовчи Абдулҳамидовлар оиласи номидан Муяссархон эса қуйидаги мазмунда хат ёзибди: «Мен Балиқчи тумани Иқтисодиёт коллежида кутубхона раҳбари бўлиб ишлайман. Оиламиз бу йил «Оила ва жамият» газетасига обуна бўлди. Газетани талашиб-тортишиб ўқиймиз. Борди-ю, бирор сони келмай қолса борми, қўшни ташкилотларга, газета дўконларига югурамиз. Шундай қалбимизга яқин газета бу!»***

***Шунингдек, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани Тирсакобод кўчаси, 21-уйдан Ғайнижамол Абдулла қизи, Юнусобод туманидан 65-мактаб ўқувчиси Комила Носирова, Себзор даҳасидан Саноат Файзиева, Сирдарё вилояти, Оқ Олтин туманидан Ҳ. Раҳимқулова, Жиззах вилояти, Жиззах туманидан С. Ёқубов ва бошқа кўплаб мухлисларимиз ҳам шундай мазмунда хатлар йўллашган.***

***ЭСЛАТМА: «Энг зукко оила» беллашуви 2009 йилнинг сўнгида яъни Янги йил байрами арафасида якунланиб, ғолиблар аниқланади. Беллашувда иштирок этинг, фикрингиз чархланади.***

**Ғолиблар учун таҳририятнинг махсус совғаси бор.**


# ✸ МОҲИР ҲАЙДОВЧИ БЎЛМОҚЧИМИСИЗ? ✸

**Бунинг учун автомобилларнинг техник жиҳозланиши, ҳаракатланиш қоидалари, бошқариш сир-асрорларидан хабардор ва энг муҳими, ҳайдовчилик гувоҳномасига эга бўлишингиз шарт.**

Қаерга, кимга мурожаат қилишни биласизми? Яхшиси, бу ишда

**«DILANJTALI» АВТОМАКТАБИ**

жамоаси сизга яқиндан ёрдам беришга тайёр. Бу автомактабда «B» тоифали ҳайдовчилар тайёрланади.

**Ўқиш муддати — 3 ой.**

Ўқиш учун тўланадиган ҳақ ҳам арзон — 90000 сўм.

Дарслар ва машғулотлар шанба ва якшанба кунларидан ташқари ҳар куни соат $17^{00}$ дан $20^{00}$ гача давом этади.

**«DILANJTALI» АВТОМАКТАБИ**



**МАНЗИЛИМИЗ: Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, 3-мавзе, 162-мактаб. Мурожаат учун телефон: 277-93-83**

# ЎҚИШГА МАРҲАМАТ!

## ҒУЗОР ТРАНСПОРТ КАСБ-ҲУНАР КОЛЛЕЖИ 2009-2010 ЎҚУВ ЙИЛИ УЧУН ҚУЙИДАГИ МУТАХАССИСЛИКЛАР БЎЙИЧА ЎҚИШГА ҚАБУЛ ҚИЛАДИ





**1. Транспортларда ташиш ва бошқаришни ташкил этиш мутахассислиги (транспорт турлари бўйича)**
а) йўловчи ва юк ташиш
б) автотранспортлар техниги
в) диспетчер
г) «В» ёки «ВС» тоифали ҳайдовчилар

**2. Автотранспорт воситаларига техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш мутахассислиги бўйича**
а) техник-механик
б) автотранспорт воситаларини таъмирлаш ва техник хизмат кўрсатиш чилангари
в) «В» ёки «ВС» тоифали ҳайдовчилар тайёрлаш.

**3. Транспорт воситаларидан фойдаланиш ва таъмирлаш (транспорт турлари бўйича)**
а) локомотив машинисти ёрдамчиси
б) локомотивларни таъмирлаш техник-механиги

**4. Нефть ва газни қайта ишлаш, нефткимёвий ишлаб чиқариш**
а) нефть ва газни қайта ишлаш, нефткимёвий ишлаб чиқариши жиҳозлари техниги
б) таъмирловчи чилангар

**5. Темир йўлларга техник хизмат кўрсатиш**
а) темир йўлларга техник хизмат кўрсатиш механиги
б) темирйўл машиналари машинисти
в) дефитоскоп араваси машинисти
г) темирйўл монтёри

**6. Ҳисоблаш машиналари мажмуалари тизимлари ва тармоқлари**
а) компьютер тармоқлари монтажчиси
б) офис жиҳозлари бўйича мутахассис

**7. Тикувчилик ишлаб чиқариши**
а) тикувчилик ишлаб чиқариш техник технологи
б) кенг ассортиментдаги кийимлар тикувчиси
в) кенг ассортиментдаги кийимлар бичувчиси
г) якка буюртма буюмлар тикувчиси
д) тикув жиҳозлари созловчиси

**8. Бухгалтерия ҳисоби**
а) бухгалтер-аудитор
б) бухгалтер-иқтисодчи

**9. Бошланғич таълим**
а) куни узайтирилган гуруҳларда тарбиячи
б) бошланғич синфларда тасвирий санъат ва меҳнат ўқитувчиси
в) тарбиявий ишлар бўйича катта етакчи

**Ўқиш муддати барча йўналишлар бўйича 3 йил**

**Ҳужжатлар 2009 йил 20 июндан 1 августгача қабул қилинади**

**Ўқишга кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни тақдим қилишлари керак.**

1. Директор номига ариза
2. 9-синфни битирганлиги тўғрисидаги шаҳодатнома (маданият ва санъат йўналишлари бўйича ўқишга кирувчилар бошланғич санъат ва мусиқа маълумоти тўғрисидаги ҳужжатнинг асл нусхасини топширадилар)
3. 0,86-У шаклидаги тиббий маълумотнома
4. Турар жойдан маълумотнома
5. 3-4. см ўлчамдаги 6 дона фото сурат
6. Туғилганлик тўғрисидаги гувоҳнома ёки паспорт нусхаси
7. Халқаро, республика, шаҳар босқичидаги фан олимпиадалари, танловлари ва мусобақаларида ғолиб бўлганлиги тўғрисидаги ҳужжат
8. Педагогик-психологик ташхис марказининг тавсияномаси
9. Имкониятлари чекланган битирувчилар учун Қорақалпоғистон Республикаси халқ таълими вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар халқ таълими қошидаги тиббий психологик-педагогик комиссиянинг хулосаси ва тавсияси ҳамда меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бошқармаларининг туман (шаҳар) ижтимоий таъминот бўлимларининг йўлланмалари.

**МАНЗИЛ:** Қашқадарё вилояти, Ғузор тумани Катта қишлоғи.

**Мурожаат учун телефон:** +99875-222-75-00



## МУҲАББАТ ЖИЛОВЛАБ БЎЛМАС ДЕНГИЗ

**МУНОСАБАТ**

***«Бевафо қиз, сени кечирдим» 24- сон***

Назаримда, севишганлар бир - бирига ҳар доим ҳам ички сир, кечинмаларини айта олмайди. Қиз бор кучини ўқишга сарфлабди. Унинг мақсади сари курашишига, иродасига тан бериш керак. У ҳам сиз каби кўп қийинчиликлар кўрган экан. Агар сизлар турмуш қурганларингизда қийинчиликлар сизларни баттар эзиб, ҳатто бир-бирингиздан кўнглингиз қолишига ҳам сабаб бўларди. Чунки дўстлик,севги-муҳаббат, оила қуриш бу — бошқа- бошқа нарсалар. Ҳар иккингиз ҳам тўғри йўл тутгансизлар. Сиз оила қуришга тайёр бўлмасдан уйланганингизда уни бахтли қила олармидингиз? У сизни келажакда қийнамаслик учун ҳам ишбилармон йигитга турмушга чиқибди. Агар сиз уни ростдан ҳам севсангиз унинг бахтидан фақат ва фақат хурсанд бўлишингиз керак. Сизнинг оила қуришингизга келсак, касбингизнинг зўр мутахассиси бўлиб етишганингиздан сўнг мавқега ҳам эга бўласиз. Ана шунда сизнинг ҳам олдингиздан ўз бахтингиз чиқади. Сиз жамиятда ўз ўрнига эга бўлган тўлақонли шахс сифатида уни албатта бахтли қила оласиз.

**Эргаш АТОЕВ,**
**Навоий вилояти**

## МАНСАБ

**ОЙНАДАН ЎПКАЛАМА**

Унга мансаб беришди. Во ажаб! Ўзидан бошқани танимай қолди. Илгари ака-акалаб юрган кишиларнинг ёнидан виқор билан ўтади. Опа-опалаб юрган аёллар билан бош ирғаб саломлашади.

Одамлар уни кўганда, у димоғини кўтарди. Бурнидан пастни кўрмай қолди. Гўё она қорнидан арбоб бўлиб туғилгандай.

Қизиқ, кўпчилик ҳам уни танимай қолди. «Бу ўша, ўзимизнинг фалончими? Йўғ-э... Кимнинг кимлигини билмоқчи бўлсанг ё мансаб бер, ё бойлик экан-да...»

Ҳовлисининг бир четида қолиб кетган эски чориғи эса ҳайрон: шўрлик эгам нега мени унутдийкин?

**Лола ЎРОҚОВА**

*Талабаликнинг олтин даври инсон ҳаётида ўзининг ёркин ва ҳаяжонли дақиқалари билан муҳим ўрин тутади.*
*Эркин камол топаётган ёшларимизнинг талабалик йиллари сермазмун ва бахтли ўтишини таъминлаш мақсадида*

# АГРОБАНК

AGROBANK

юртимиз келажаги бўлмиш ёш авлод учун ўзининг янги
***“ТАЛАБАЛИК ОЛТИН ДАВРИМ”*** номли муддатли омонатини таклиф этади!

✓ **Маблағлар фарзандингиз 16 ёшга тўлгунга қадар қабул қилинади.**

✓ **Омонат фоиз ставкаси Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкаси миқдорида.**

Шошилинг, фарзандингиз учун мустаҳкам молиявий пойдевор яратинг!
Негаки мазкур омонат тури орқали Сиз фарзандингиз олий ўқув юртига кирган тақдирда таълим контрактини тўлаш учун имтиёзли таълим кредити олиш имконига эга бўласиз.

Шунингдек, **«А Г Р О Б А Н К»** дан янги
хорижий валютадаги **“АГРОВИЗА”** ва **“АГРОСАХОВАТ”** муддатли омонатлари таклифи:

✓ **АГРОВИЗА** АҚШ долларида – **йиллик 10 фоиз**;
ЕВРОда – **йиллик 8 фоиз**.
Омонатдан тушган даромад миллий валюта – Сўмда тўланади.

✓ **АГРОСАХОВАТ** АҚШ долларида – **йиллик 7 фоиз**;
ЕВРОда – **йиллик 6 фоиз**.
Омонатдан тушган даромад чет эл валютасида тўланади.

*Пулларингизни самарали бошқарибгина қолмай, Сиз пул ютуқлари ҳамда қимматбаҳо совғаларнинг*, яъни музлатгич, кир ювиш машинаси, рангли телевизорлар ва бошқа уй-рўзғор буюмлари каби ютуқларнинг ҳам эгаси бўлишни хоҳласангиз , ўз маблағларингизни фақат «АГРОБАНК»нинг миллий валютадаги янги ютуқли омонат турларидагина жамғаринг!*

*__Йиллик 14 фоиз__ миқдорида ҳақ тўланадиган __“Омад”__ ҳамда __“Агрокапитал”__ муддатли ва жамғарма омонат турларида маблағингизни кўпайтириб, ОМАД соҳиби бўлинг!*

*Шу билан бирга, __26 фоиз__ миқдорида ҳақ тўланадиган __“Агролюкс”__ муддатли омонатида маблағингизни кўпайтириб, юқори даромадга эга бўлинг!*

***Омонатлар бўйича ҳисобланган фоизли даромадингиз биринчи талабдаёқ берилади.***

***Унутманг, “Фуқароларнинг банклардаги омонатларини ҳимоялаш кафолатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ, жисмоний шахсларнинг тижорат банклари депозит ҳисобварақларига жойлаштирилган пул маблағлари давлат томонидан ҳимояланган ва фуқароларнинг омонатлари бўйича ҳақ тўлашнинг ишончли кафолатлари қонунан юз фоиз таъминланади!***

***«Агробанк» омонатларига қўйилган пул маблағлари декларация қилинмайди ҳамда омонатчи ва унинг пул маблағлари ҳақидаги маълумот банк сири ҳисобланади.***

***Эслатиб ўтамиз, ютуқлар миқдори ютуқ чиққан ҳисобварақларга матбуотда эълон қилинган расмий жадвалга асосан ҳар ойда ўтказиб борилади!**

***Қўшимча маълумот бўйича 150-53-65, 150-53-43 телефон рақамларига мурожаат этишингиз мумкин.***

***ПУЛЛАРИНГИЗ ИШЛАЙДИ ВА ДАРОМАД КЕЛТИРАДИ!***

***«Агробанк» — юрт ободлиги ва яратувчанлик ғояларининг молиявий таянчи!***

*Хизматлар лицензияланган.*

# БАХТ ОЁҒИНГИЗ ОСТИДА!

## *Руҳшунослар буни қуйидагича тавсифлашади:*

**Ўтмишни эсдан чиқаринг.** Қачонлардир жиддий бир хато қилганмидингиз? Эслаганингизда ўзингиздан уялиб кетадиган хотираларингиз борми? Ўтмиш занжирларидан халос бўлмас экансиз, ўзингизни бахтли ҳис қилолмайсиз. Бугунги кун билан мослашиб, эртанги кунга интилиб яшанг.

**Ўзингиз учун масъулиятни ҳис қилинг.** Бахтли бўлиш учун, биринчи навбатда, ўзингизни эркин ҳис қилинг. Вазият қандай бўлмасин, унга қандай ёндашиш ўз қўлингизда. Ва бунинг учун фақат ўзингиз жавобгар бўласиз. Муваффақиятсизликларингизда бировларни айбламанг.

**Атрофдагилар билан яхши муносабатда бўлинг.** Бу бизга бахт ато этувчи буюк неъматдир. Феъл-атворингизда меҳр-муҳаббат устунлик қилиши сизни бахтга етаклайди.

**Қизиқишларингизга бефарқ бўлманг.** Ишқибозлик бизга майда хурсандчиликлар келтирса-да, улар бирлашиб бахтга айланади. Шунинг учун қизиқишлар доирасини кенгайтириб борсангиз бахтга элтувчи йўлларингизни кўпайтирасиз. Атрофда шунча қизиқарли нарсалар бўлатуриб, киши бахтсиз бўлиши мумкинми?

**Ўзингизни кашф қилинг.** Ўзингиз учун ўз ҳаётий тамойилларингизни яратинг ва уларга амал қилинг. Ўзликка бўлган садоқат ҳам бахт йўлидаги муҳим омиллардандир.

**Ўзингиз учун яшанг.** Бошқалар ҳаёти билан яшаманг, кимнинг бахт-саодати сиздан нимадир кутаётганлари учун эмас, ўзингиз учун яшанг. Қўйиб берса, одамлар сиздан кўп нарса кутишлари мумкин, лекин ўзингизчалик сизни биров севармикан? Лекин буни худбинлик билан алмаштириб юборманг.

**Ҳаётий мақсадга эга бўлинг.** Бахтга эришиш учун сизга бу жуда зарур. Баланд чўққиларга интилмасангиз, ҳаёт сизга зерикарли туюлади. Мақсадингиз – ҳаётингизнинг ўзагидир.

**Борини қадрланг.** Агар ношукур бўлмасангиз, бахтга етиш унча қийинмас. Ўзимизда бор бўлган нарсаларни қадрлаш эса қўлимизда йўқ нарсаларга қарашдан кўра завқлироқ. Атрофингизга қаранг, бахтли эканингизни пайқаш учун шунча кўп асосингиз борки... Тушунган одам бахтли бўлиш учун бутун умри давомида муайян миқдордаги маошни ёки юқори мансабни кутиб яшамайди. Ўзингизда бори билан ҳам бахтли бўлиш мумкин. Аҳмоқлар бахтни тоғлар ортидан, ақллилар эса – оёқлари остидан излашади.



**Некбин бўлинг.** Бахтли инсонлар ҳеч қачон қайғули фикрларга берилмайдилар. Вазият қанчалик чигал бўлмасин, улар ҳамма нарсага яхши кўз билан қарашади.

**Ижод қилинг.** Бирор нарса яратиш Сизга куч бағишлайди ва кайфиятингизни яхши томонга ўзгартиради.

**Ўзгариб туринг.** Мунтазам тарзда янгиланиб, ўсиб, ривожланиб борсангиз, бахтнинг ўзи Сизни излаб топади. Ҳаётингизни янги босқичга кўтариш учун ҳамиша янгиликларга интилинг.

### ✓ БИЛАСИЗМИ?

**Ўз истеъдодингиздан фойдаланинг.** Сиз, аввало, бу истеъдодларингизни кашф этишингиз, қолаверса, кундалик фаолиятингизда намоён қилишингиз лозим. Бахтга олиб борувчи энг тўғри йўл – ўз истеъдодингизни кенгроқ намоён этишингизга кўмаклашувчи даромад манбаини топишдир.

**Майда-чуйдаларга эътибор берманг.** Кўпинча майда гаплар катта бахтга завол етказиши мумкин.

**Нафсингизни жиловлаб олинг.** Тўғри, кишида турли истаклар бўлиши ёмон эмас, аммо уларнинг соғлом ақл устидан ҳукмронлик қилишларига йўл қўймаслик керак. Акс ҳолда ўзингизга ортиқча баҳо бериб, кулгига қолишингиз мумкин.

**Бошқаларни бахтли қилинг.** Бу бахтга эришишнинг энг ишончли усулидир. Ўз бахтингиз йўлида одамларга яхшилик қилинг – ана шунда бунинг ўзи бахт эканлигига амин бўласиз. Кишиларга ҳамдард бўлинг. Бу фидокорликнинг олий кўринишидир. Бахтга ҳеч қачон худбинлик орқали эмас, балки фидокорлик туфайли эришилади.

Ўз бахтимиз билан ўзгаларни бахтли қилишдек бахт барчамизга насиб этсин!

**Ҳамид ОҒА тайёрлади.**

МУНОЗАРА УЧУН МАВЗУ

# ФОТИҲА БУЗИЛСА...

*Ҳар бир қизи бор уйнинг эшигини вақти-соати келиб, совчилар черта бошлайди. Бундай пайтда ота-оналаримиз бир томондан суюнишса, иккинчи томондан оғир ўйга ҳам чўмиб қолишади. Чунки йиллар давомида оқ ювиб, оқ тараб, «қоғозга ўралган қанддек» қизларининг қандай хонадонга келин бўлиб тушиши, қандай оиланинг фарзанди билан юлдузи юлдузига тўғри келиши, келин бўлиб борадиган жойида тиниб-тинчиб кетиши, қайнона-қайнотасининг қизларига бўлган муносабатигача ота-онани ташвишга солади. Совчилар келиб, икки тараф обдон сўраб-суриштириб, бир-бирларига мос эканлигига тўла ишонч ҳосил қилгачгина, тўйнинг биринчи босқичи фотиҳа тўйини ўтказишади. Маълум муддатдан сўнг никоҳ маросими бўлади. Аммо кўпгина унаштирилган йигит-қизларнинг тақдирлари икки томон ўртасидаги тўйгача бўлган муносабатлар, айниқса, тилла тақинчоқлару мебел жиҳозлари, сарпо-суруқ, олди-бердиси билан боғлиқ келишмовчиликлар туфайли фотиҳа-унаштирув бекор қилинади. Бунинг оқибатида ўша йигитга ёки қизга «фотиҳаси қайтган» деган тамға қўйилади. Бу ҳол нафақат қиз боланинг тақдирига, балки ўғил бола учун ҳам ўз таъсирини ўтказади. Чунки кейинги келадиган совчиларда бу ҳолат шубҳа уйғотиши табиий.*



**БИРИНЧИ ҲОЛАТ**
**ЛОБАР опа, 48 ёш:**

— Қизимни 17 ёшида бир ўзига тўқ хонадоннинг эркатой ўғлига унаштирдик. Фотиҳа тўйи бўлиб ўтди. Ҳеч қанча вақт ўтмай, бир гап эшитиб қолдим. Йигит гиёҳванд модда истеъмол қилар экан. Фотиҳагача сўраб-суриштирганимда ҳеч ким ёмон муносабат билдирмовди. Аксинча, ҳамма мақтаганди. Эшитибоқ, тўйни қайтардик. Кўпчилик таниш-билиш, қариндош-уруғларим, «бекор қилибсан, «биринчи бахти — ой бахт», деган гап бор», — дейишди. Аммо одамларнинг гапи деб қизимни бахтиқаро қиламанми? Биров у деди, биров бу...

Хуллас, анча пайтгача уйимизга совчи келмади, келганлариям ё иккинчи марта уйланадиган, ё бирор айби бор бўларди. Худога шукр, қизим 22 ёшида олий маълумотли, тушунган, эсли-ҳушли йигитга турмушга чиқди. Ҳозир шірингина фарзанди бор. Ҳаётидан мамнун.

**ИККИНЧИ ҲОЛАТ**
**МАЪРИФАТ ая, 52 ёш:**

— Қизимни севган йигитига унаштирдик. Уларнинг оиласи бизга қараганда, ўзига тўқрок эди. Ўғлининг қистови билан ота-онасининг ўзлари совчиликка келишди. Аммо у оила билан қуда бўлишни ният қилганлар кўп экан. Ҳаммадан ақлли, одобли қизимни куёв бўлмишга ёмонлаб, туҳмат гаплар қилиб, фотиҳанинг бузилишига сабабчи бўлишди. Шундан сўнг, қизим кўчага чиқолмай қолди. Сиқилавериб, касал бўлди. Наҳотки одамлар бировнинг бахтсизлиги эвазига бахт топиб завқланишса?

**УЧИНЧИ ҲОЛАТ**

...Бир қўшнимизнинг ҳамма хавас қиладиган хушрўйгина, хушмуомала, одобли қизи бор эди. Эшигидан совчилар аримасди. Бир куни «нон синдиришибди», деган гапни эшитдим-да, табриклаб қўйиш мақсадида қўнғироқ қилдим.

— Опа, синглимнинг бахти бутун бўлсин, илоё, табриклайман!

— Йўғ-ей, бўлмади-ку, фотиҳа бузилди.

— Нега?

— Уй кўришга боргандик, куёвнинг уйи ёқмади. Жуда оддий яшашаркан. Мен эртага дўсту душманимнинг олдида кулгуга қоламан-ку?

Бундай воқеаларни яна келтиришимиз мумкин. Албатта, ҳар ким ўзича ҳақ, ҳеч бир тараф айбни ўзидан қидирмайди. Аммо ўртада ғаламис кимсаларнинг аралашуви билан фотиҳанинг бузилиши ёки арзимас моматолар устида тортишиб, қизининг ёки ўғлининг бахтини ярим қилиб қўяётган ота-оналар тўйдан олдин қуда-андалар ҳақида етарлича сўраб-суриштирсалар бунинг сира ёмон тарафи йўқ.

Умуман, тўйдан олдин йигит ва қизнинг фотиҳаланиши исломда қачондан бошлаб жорий этилган? Халқ оғзида «фотиҳа — ярим никоҳ» деган гап бор. Бу ҳақиқатга қанчалик яқин? Фотиҳанинг бузилиши ёшларнинг кейинги ҳаётларига қандай таъсир кўрсатади?

**Ушбу саволлар билан Ўзбекистон Мусулмонлари идораси фатво бўлими ходими Собиржон Арзиқуловга мурожаат қилдик:**

— «Фотиҳа» сўзи араб тилида «дуо» маъносини англатиб, истилоҳда эса куёв томонидан борган совчиларнинг келин томон билан қуда-анда бўлишни ваъдалашиб ёки тўй кунини белгилаб олишини англатади. Фотиҳа ва никоҳ — иккиси бошқа-бошқа нарса эканлигини билишимиз керак.

**Фотиҳа** — томонларнинг тўй кунини белгилаб, келишиб олиши. Яъни, фотиҳаланган қизнинг уйига совчи қўйишмайди. Мабодо икки томон келишувни бекор қилишса, унда фотиҳа бузилади.

**Никоҳ** эса эркак билан аёлнинг орасини боғлаб турадиган шаръий ришта. У фақат эр талоқ айтгандагина бузилади. Фотиҳанинг узрли сабаблар билан бузилиши турмуш қурмоқчи бўлган келин-куёвнинг кейинги ҳаёти учун ҳеч қандай салбий таъсир ўтказмайди. Фотиҳаси бузилган қиз бола ё йигит ҳам бемалол бошқа, тақдирига ёзилган жуфти билан бахтли ҳаёт кечиришга ҳақли.

**ХУЛОСА ЎРНИДА** «Фотиҳаси бузилган» деган гап бу — икки томон бир-бирининг устига турли туҳмат ва маломатлар ёғдириб, мағзава тўкиш билан оқланмайди. Аксинча, ўғилу қизнинг эл-улус орасида номи қора бўлишига «хизмат» қилади холос. Шу боис ота-боболаримиз бир умр қадрлаб келган урф-одатларга амал қилиб, умид билан ўстираётган ўғил-қизимизнинг эртанги бахтини ўйлаб, энг аввало, шу хонадон соҳиблари, қолаверса, куёв ёки келин бўлмишнинг кимлигини обдон суриштирсак, эртага армонда қолмаймиз.

**Шаҳноза РОФИЕВА,**
**«Оила ва жамият» мухбири.**

ЎЗИМ БИЛАН ЎЗИМ

# МЕН АНГЛАГАН ХАТОЛАР

**Ўтган умрингизда эшитган мақтовларни эслаб кўрганмисиз? Мақтовлар ҳам ўз йўлига. Танбеҳларчи? Бошқаларникидан хабардор эмаслигим боис ўзим эшитган ва эътироф этганларим ҳақида мулоҳаза билдирмоқчиман.**

Тахминан 4 ёки 5 ёшлигимда бир куни уйимизга меҳмонлар келишди. Дастурхонга онам қўяётган турли конфет ва бошқа ширинликларни кўриб, рости, ҳайрон қолдим. Уйимизда шунча нарса борлигини билмас эканман. Меҳмоннинг олдида улардан олсам, бир-иккита ейману, бўлди қилишга мажбур бўламан. Яхшиси, «жойини» билиб олсам, марра меники. Ниҳоят, меҳмонлар кетишди. Мен эса конфетлар сақланадиган сирли жойни билишга киришдим. Тинимсиз изланишларимдан сўнг топдим. Энди бир-икки маза қилиб ширинликка тўяман. Ўртоқларимни ҳам ўлжа билан сийлашим мумкин. Бир куни опам сезиб қолди, онам эса негадир жазолашга шошилмаётганига ҳайрон эдим. Рости, онамнинг бир-икки шапалоғини еганим яхши эди. Бироқ отамнинг биргина сўзсиз назари ёки бир оғиз гапи ҳамма нарсадан даҳшатлироқ бўлди. У «сен ширинлик эмас, оиламиз баракасини ўғирлаяпсан», деганича бу мавзуга бошқа қайтмади. Мен ҳам бошқа ўғирлик қилмадим...

* * *

Қишлоқда барчага иш топилади. Шундай ишлар борки, унга ёш ёки ақлнинг аҳамияти йўқ. Саратон киришидан олдин қўзилар она қўйлардан ажратиб олинмаса, «иссиқ уриб», касал бўлиб қолади. Шунинг учун бизларнинг юмушимиз — қўзи боқиш мавсуми май ойидан то августгача давом этарди. Бу пайтда ўроққа кучи етмайдиган ёки ҳар бир уйнинг энг кичик ўғил болалари тонгда қуёш билан баравар адирга қўзиларни ҳайдаб, то кун қизиб, қўзичоқлар бир-бирига соялаб қолгунича орқасидан юрарди. Дам олиш пайтимиз эса кун қайтиб, озгина шамол тургунича давом этади. Айни кун тиккага келган маҳал — «тол туш»да ота-онамиз «чарчадинг, бир оз ухла», дейишади. Биз эса ҳовузга бориб, сув тагида кўз очиш ўйнашни хоҳлаймиз. Ҳовузга борсак, салқинлаб ҳам келамиз-да. Бизнинг оромижонимиз — ҳовуз бир неча хонадоннинг умумий мулки бўлиб, 2-3 кунда йиғилган сув билан экинлар суғорилар эди. Бир куни эҳтиётсизлик қилиб, уни очиб юбордик. Ўзимиз эса бошқа йўлдан уйга қочдик. Ҳовуздан чиқиб, ариқдаги тоза сувга юз-қўлимизни ювардик, бўлмаса лойқа сувдан юзларимиз шўрлаб қоларди. Бу сафар шошганимиздан ариқда ювинишга улгурмадик. Ухлашга кириб кетган боласининг ташқаридан тасқара аҳволда кириши онамга ёқмаслиги аниқ. Нима бўлганини мажбурликдан айтдим. Онам жавради: «Отанг бориб ҳовуз қурдими? Фалончининг боласига эргашиб кетаверасанми? Ўша томдан ташласа сен ҳам ташлайсанми? Қачон ўзингни бошқарасан?» Бу болаликдаги навбатдаги танбеҳ эди!..

* * *

Мусулмончиликда ҳар бир инсон етти отасининг номини билишга алоҳида эътибор қаратилади. Биринчи устозим раҳматли Иброҳим ака мени мактабга чақиришга келганида исмимни сўради. Айтдим. Фамилиям борасидаги саволга эса жимгина елка қисдим. Ҳалиям эсимда «яхшиям отангни исмини сўрамабман», деган эди ўшанда... Бу ҳам аслида танбеҳ эди.

Мактабда баҳоларим яхши бўлса-да, аммо бироз дангасалигим бор эди. Хуллас, 4-синфда ўқиб юрган кезларимда эрталаб нимагадир тургим келмади. Ўзимча донолик қилиб топган баҳонам «мазам йўқ», дейиш бўлди. Бироқ онам айтмасам ҳам касал ёки касал эмаслигимни билишини ўйламабман. Ўшанда у кишининг айтганлари ҳалигача хотирамда: «Касалликни соғинма. Жабрини тез куттирмайди». Орадан йиллар ўтиб, билдимки, бу айни ҳақиқат экан. Ўтаётган ҳар бир кун УМР деб аталмиш минорани бир ғиштга баландлатаяпти. Мактабнинг 9-синфини тамомлагач, лицейда таҳсилни давом эттириш иштиёқида шаҳарга отландим. Бу орада ҳеч ҳам дакки эшитмадингми, деган савол туғилиши мумкин. Лицейдаги уч йиллик ўқиш давримда икки бора эшитган танбеҳим ҳануз ёдимдан кўтарилмайди. Шаҳарга келганимда тоғамникида яшар эдим. Нимасини айтасиз, ўн етти ёшимда «севиб» қолдим. Шаҳарга келган йигитларнинг энг катта душманлари — қизлар, чекиш ва ичиш. Ана шу хавфларнинг биринчиси мени илинтирди. Қўшни қиз хат ёзди. Бизнинг муносабатларимиздан тоғам хабар топди. Унинг хатини топиб олгач, менинг кўзимни очди. Тоғамдан ҳам отамдан қўрққан сингари ҳадиксирар эдим. Ўшанда тоғам «сен ҳозир ўқи, олий ўқув юртига кирсанг, сен қизларни эмас, қизлар ўзлари сени топишади», деган эди. Қизлардан вақтинча тийилиш ҳисобига ўқишга кириш учун қаттиқ бел боғладим. Талабалик даври — истаганига етишишни эмас, аксинча, истаклардан воз кечишни ўрганиш пайти бўлишини қаердан ҳам билардим!

Лицейдаги иккинчи эшитган танбеҳим бутун умр ёдимда қолса керак. Иккинчи курсда экстернат имтиҳонлари ўтказилди. Унга кўра махсус тест ва амалий танловлардан ўтганлар, диплом олиб, лицейни тамомлаш ҳуқуқига эга эди. Деярли барча синовлардан ўтиб, сўнгги босқичдан йиқилдим. Кайфиятим тушиб кетганини кўрган раҳбаримиз — Дилбар опа Ҳакимова: «Ҳаёт фақат қувонч ва ютуқлардан иборат эмас. Ҳозирдан бунақа тушкунликка тушиб, курашиш қобилиятини йўқотсанг, ўзингга қийин бўлади. Аксинча ўз устингда ишлашни ўрган ва янги-янги марраларни эгаллашга ҳаракат қил», деган эди. Шушу менда мақсадга интилиш кучайди. Аммо эришаётган натижаларим менда ўзимга маҳлиёликни пайдо қилди. Аслида бу ҳам инсоннинг энг катта душмани. Мен олий даргоҳга ўқишга кирдим. Энди менинг ҳам ўз хаёлларим, кашф қилган ўзлигим ва ҳақиқатим бор эди. Назаримда, ўзим бўйсунадиган ҳақиқат мутлақ ва бошқача эди. Буни тушунган одам ўша пайтдаги аҳволимга ачинса, ажабланмайман. Катта гуруҳлардаги (поток) дарсларда талабалар билан баҳслар қизғин бўларди. Мавзу юзасидан мунозараларда ҳеч ўйлаб кўрмасдан ўз билган ва ўйлаганларимни баён қилардим. Аммо нимагадир кўпчиликнинг хулосаси менинг фикримдан анчагина фарқ қиларди. Бунинг сабабини билиб, уялиб кетдим. Ўша пайтларда тўғри гапларни айтаётган тенгдошларим ҳаммани эшитиб, ўзларининг фикрлари билан солиштиргандан кейин муносабат билдиришар экан. Бу эса ўзим англаган хатодан чиқарган хулосам ва ўз-ўзимга танбеҳим эди...

Инсон борки, адашади, хато қилади. Ўзи йўл қўйган хатоларининг оқибатини бартараф этиш ёки улардан тегишли хулоса чиқариб, уларни такрорламасликка ҳаракат қилиб умр ўтказади. Фақат кундалик муаммолар соясида буни пайқаш мураккаброқ. Демак, хатолардан даҳшатга тушмаслик, аксинча ўзига хос ҳаёт дарсларидан тўғри хулосалар чиқаришгина инсонни хаёлий ҳаётга яқинлаштиради.

**Алишер ҲАЗРАТ ўғли.**

# ИККИ ДУНЁ ОРАЛИҒИДА



**Шодмон ОТАБЕК**

**(Охири. Бошланиши ўтган сонларда)**

— «Вой, қандай шармандалик!».

— «Бу ерда ҳар куни кўриб-билиб турганингиз шармандалик эмасми? Бу даҳшат-ку. Афсуски, энди бунга ҳам кўникиб қолдик. Риёзат чекмагунча ёр васлига етиб бўлмас, деган гаплар ҳам эскирди: осонгина топишиб, осонгина ажралишади. Илгари бунақа эмас эди десак, бизни қолоқ, тушунмаган, замондан орқада қолган дейишади. Мен сизга ҳалолани гапириб бердим. Одамлар шунақа шармандаликдан қўрқишган, никоҳни муқаддас билишган. Э, нимасини айтай, илгари бунақа воқеалар, қўйди-чиқдилар камдан-кам бўлган. Бир-бирини биринчи марта тўй куни — чимилдиқда кўришган, аммо қўшгани билан қўша қаришган. Эскиларнинг бу нақлида катта ҳикмат бор, айланай. Яна насиҳатга ўтиб кетдим. Қарияпман-да. Болаликда одамнинг кучи оёғида бўларкан — елиб-югуриб чарчамайди. Навқиронликда куч белга чиқади — тушунарсиз; қариликда эса одамнинг бор-йўқ кучи оғзига келиб қоларкан — тинимсиз жавраб, панд-насиҳат қилишимиз шундан».

«Қари билганни пари билмайди. Сизлардан ўрганмасак кимдан ўрганамиз?».

— «Керакли гап олам яралгандан буён кўп ва хўп айтилган. Айтиляпти. Яхши нима-ю ёмон нима — буни ҳамма билади. Фақат... унга амал қилиш қийин. Ҳамма балои қусур шунда».

Шу маҳал Малоҳат ўша йигит билан рўпарада пайдо бўлди. Йигит узун қўлини сўлақмондек гавдасига қўшиб, қизнинг елкасига ўзини ташлаб олган. Салима ҳайрон бўлиб, опанинг енгидан тортди:

— «Ахир, бу... Малоҳат — қизингиз-ку?! Нега индамайсиз?».

— «Нима ҳам дейман? Энди фойдаси йўқ. Қўяверинг, ўзига инсоф берсин. Мен қўлимдан келганини қилдим. Буёғига ожизман. Фарзандни фақат ота-она тарбияламас экан...».

Салима чўчиб уйғониб кетди. Ёнига ўгирилиб қаради: опанинг жойи бўм-бўш эди. Юраги ҳувиллаб, кўз олдини қора туман қоплади. Қайта кўзини очганда бемалол пишиллаб ухлаётган Руқияни кўрди. Яна алламаҳалгача мижжа қоқмади. Қайта кўзи илинганда яна туш кўрди. Яна ўша хиёбонда юрганмиш. Ажабо, негадир ҳамроҳи гоҳ Руқия, гоҳ ишхонасидаги Назокат қиёфасида намоён бўлар, икковининг ҳам гапи бир хил эмиш:

— «Ўл-а, сени бу ёққа юбориб, эринг бошқасига уйланиб олди-ку! Қийналиб юрмай деб, бiратўла болалисини олди».

— «Йўғ-э? Наҳотки? Яна озгина сабр қилганда ўзим кўчқордек ўғил туғиб берардим-ку!».

— «Қачон?! Туянинг думи ерга теккандами?!».

Шу гапни айтатуриб, иккови ҳам битта одамга айланиб қолди. У одамнинг бўйи лаҳза, соат сайин ўсиб, баҳайбат бир махлуққа айланди. Салима сесканиб уйғонди-ю, шу кўйи бошқа ухлолмади; қайта кўз юмишга қўрқди. Ирим-сиримга ишонмаса-да, бехосият тушдан ғашланди. Халатини елкасига ташлаб, дераза олдига борди. Ташқари ғира-шира қоронғи эди.

Салима энди шифохонада ортиқ бирон кун ҳам туролмаслигини кўнглидан ўтказди-ю, эртагаёқ жўнаб кетишга аҳд қилди. Тонг отишини интиқлик билан кута бошлади...

**R.S:** ***Салима уйига қайтганидан кейин орадан икки ой ўтгач, бошқоронғи бўлди. Овқат эса кўнгли айниб, қайт қилар, айниқса, ошхонадаги ёғ ҳидига тоби-тоқати йўқ эди. Айни чоғда муроди ҳосил бўлаётганига ҳалиҳануз ишонгиси келмас, бошига қўнаётган «бахт қуши» тушида эмас, ҳушида эканига ақли бовар қилмас эди. Кўнглидан кечаётган ўй-хаёлларга ўзи ҳам қулоқ тутиб қоларди: «Хайрият! Жамики чеккан изтироб-аламларим, Оллоҳга қилган илтижо-таваллоларим беҳуда-бесамар кетмади. Мана энди чинакам рўшнолик, ҳақиқий, бахтли ҳаёт бошланади. Ахир мен бу кунни қанчалар интиқ-интизор кутдим. Менинг ҳам бахтли бўлишга ҳаққим бор. Шу кунгача кўрган-кечирганларим бир синов эди. Мен бу синовдан ўтдим. Имон-эътиқодимга содиқ қолдим. Аслида инсоннинг бутун умри синовлардан иборат экан. Фақат хом сут эмган бандаси гоҳо тўғри йўлдан чалғиб, бу синовдан ўтолмай қоларкан. Нега шундай экан-а? Беш қўл баробар эмас-да. Оллоҳим мени ўзи қўллади. Етказганига шукур...»***

***Кунлар ўтаверди. Хушхабардан огоҳ бўлган қайнонаси келинининг қўлини совуқ сувга урдиргиси келмай, барча уй юмушларини ўз зиммасига олди. Ишсиз ўтиролмайдиган Салима бунга кўниколмай юрди. Эрининг муносабати ҳам кескин ўзгарди. Ўзини эҳтиёт қилиши, муддатидан анча олдин таътилга чиқиши, умуман, ишни вақтинча йиғиштириб қўйишини талаб қилди. Эр амри вожиб, йўқ деёлмади. Бу қаттиққўлликнинг заминида ўзигами, туғилажак зурриёдигами бўлган ажиб бир меҳр-ихлос ётганини юракдан туяр, бутун борлиғи шу маҳалгача сезмаган ёқимли бир ҳисдан ҳаприқар эди.***

***Уйда ёлғиз қолганда яна ширин-ширин хаёллар сурар, ўзича режалар тузар эди. «Эй Оллоҳим, ўзинг қўлла! Эсон-омон қутулиб олай. Мушкулимни осон қил. Мен энди мана шу зурёд учун яшайман. Худо хоҳласа, қолган бутун умримни шу боламнинг келажагига, тарбиясига бағишлайман. Фарзандим — ҳаётим давомчиси. Илойим, тилаб-тиланиб топган боламнинг бахти бутун бўлсин...»***

***Орадан ойлар ўтди. Салиманинг кўзи ёриган куни... Бу хонадонда, йўқ, улар яшаётган қишлоқда чинакам байрам бўлиб кетди. Чақалоққа яхши ният билан Умиджон деб исм қўйдилар...***




## ТУҒИЛГАН КУН ҚЎШИҒИ

Инглиз тилидаги "Ҳэппи Бёст дэу ту ю!" («Happy Birthday to You»), яъни "Туғилган кунинг билан!" деб куйланувчи бир оғиз хиргойи оҳангларини яхши эсласангиз керак. Бу куй ва қўшиқча бутун дунё бўйлаб



куйланиши урф бўлиб кетган. Уни ҳамма айтади. Аммо шу қўшиқчанинг муаллифлик ҳуқуқи ҳимояда эканлигини кўпчилик билмаса керак.

Ҳа, нота ва матни чоп этилган тижорий табрик открыткаларида ва фильмларда фойдаланилганлиги боис бу қўшиқ ўз ҳуқуқий эгасига ҳар йили 2 миллион доллар даромад келтиради. Уни фақат оддий дўстлар ёки оилавий давралардагина бепул куйлаш мумкин.

## САФАР ДАЗМОЛИ



Олис сафарга чиқдингиз. Меҳмонхонага жойлашдингиз. У ерда ҳамма шароит муҳайё. Ҳатто, дазмол ҳам. Аммо сиз уларнинг дазмолидан қониқмайсиз. Шу боис саёҳатчилар сафарга ўзлари ўрганиб қолган нарсаларини ҳам олишлари мумкин. Бироқ, дазмол дегани олиб юришга ноқулай, бесўнақай буюм.

Мутахассис-дизайнерлар бу борада



ҳам қулайликка эришдилар. Оддий сафар дазмолларидан фарқли ўлароқ, анча енгил, сифати юқори, мато устидан юриши майин ва равон. Жомадонингизда ортиқча жойни банд қилмайди. Дазмол йиғилган кўринишида юп-



қагина тўғри бурчакли корпус ҳолатида бўлади. Енгил ҳаракат билан унинг ён қисмларини кўтариб, дастак ҳолатига келтириш мумкин. Яна бир қулайлиги – у қувват олувчи батареялар билан ҳам ишлайверади.

**Наргиза САРИМОВА тайёрлади.**

# ЭР БЕРМОҚ — ЖОН БЕРМОҚМИ?

***ҚИСМАТ***

Ёшим 28 да. Институтни тамомлаб келган кезларимда ота-онам «кўз олдимизда бўласан», дея, қишлоғимиздаги ўзи ҳеч қаерда ўқимаган, бирор ҳунарнинг ҳам бошини тутмаган йигитга узатиб юборишди. Унинг келишган қомати, хушмуомаласи мени ўзига мафтун этгани боис қандай қилиб кўнгил қўйганимни ҳам сезмай қолибман. Аввалига мендан бахтли инсон йўқ эди бу оламда...

Ахир қайнона, қайнотам, қайниукаларим барчаси самимий муносабатда эдилар, қолаверса, уйимиз яқинидаги мактабда севимли касбим бўйича ишлардим. Йиллар ўтди. Бу орада паҳлавондек икки ўғил кўрдим...

Нима бўлди-ю, эрим «Россияга ишлашга борганлар яхши пул топиб келишяпти», дея қайнонам ва уйдагиларнинг қаршиликларига қарамасдан 2005 йилда уйдан чиқиб кетди.

Катта фарзандим ҳозир етти ёшга тўлди. Хўжайинимнинг эса уйдан чиқиб кетганига мана тўрт йилдан ошдики, дом-дараксиз. Фақат онда-сонда телефон қилиб, ҳол-аҳвол сўрайди.

Эрим билан кетганларнинг гапларига қараганда, хўжайиним у ёқда бир қозоқ аёли билан никоҳдан ўтиб олган эмиш. Бундай ғийбату, миш-мишларни эшитавериб очиғи дийдам қотди. «Эр бермоқ жон бермоқ», деганлари рост экан. Мана тўрт йилки, таъна-дашномлар туфайли бошимни кўтара олмайман. Хайрият, яхши кўрган касбим бор экан, оз бўлса-да дардларимни унутишимга ёрдам беради. Эрта-индин қайниларимни уйлантирмоқчимиз. Топганимни қайнонамга келтириб бераман, биргаликда рўзғор тебратамиз. Эримнинг эса на пулидан, на ўзидан дарак бор. Бир-икки ойлар чамаси охирги марта телефон қилганида «бўлди, керакмас бундай ҳаёт, энди жавобимни беринг, ота-онам, акаларим олиб кетишмоқчи» десам: «Қани кетиб кўр-чи, ўлмасам қайтиб бораман», деб дўқ-пўписа қилди. Ундан ҳам ёмони, айримларнинг «эринг дом-дараксиз кетган, яна уйланган бўлса, шундай ўтмоқчимисан?» деган гап-сўзлари юрагимни эзиб юборди. Нима қилишни, дардимни кимга айтишни, билмайман. Маслаҳат беринг, нима қилай?

**Дилафрўзнинг ҳасратларини Робинисо АШУРОВА оққа кўчирди.**

ТААССУФ

# КИРИШ → 500 СЎМ, ← ЧИҚИШ ҲАМ...



...Яқин бир дугонам кўпдан бери касалманд эди. Яқинда эшитсам, операция бўлибди. Шифохонага уни кўргани бордим. Кутиш залидаги таблода **“Беморларни кўришга келганлар оқ халат ва бахилла кийиб, соат 17-00 дан 19-00 гача киришлари мумкин”,** деб ёзиб қўйилган экан. Соатимга қарасам, кечки олтилар чамаси. Демак, киришим мумкин, дея секин ичкарига юраётсам, эшик ёнида турган формали йигит тўхтатди. Мен бўлим номини ва бемор эндигина оғир операцияни ўтказиб, ўрнидан тургани боис пастга тушолмаслигини айтиб, изн сўрадим. У бўлса “рухсатномангиз бўлса кирасиз, бўлмаса мумкинмас!”, дея қайтарди. Нима қилишни билмай, озгина кутиб турдим. Қарасам, уч-тўрт киши ҳалиги йигит олдидаги дафтарга нимадир қўйишиб, ўтиб кетишди. Мен балки имзо қўйишгандир ёки рухсатномаларини ташлаб ўтишаётган бўлса керак деб ўйладим. Яна менга ўхшаб касал кўргани келганлар саломлашиб, кириб кетишди. Қарасам... дафтар ичига пул қистириб ўтишаётган экан!

Менам ҳеч нарса бўлмагандай, беш юзталикни олиб:

— Шуни аввалроқ айтмайсизми, қанча вақтим кетди?— десам, у пинагини ҳам бузмай жавоб берди:

— Ирими шу, кеннайи.

Мен соддалик қилиб, “бахилла ҳам берасизми?”, дегандим, у бепарволик билан “шартмас, тезроқ кириб чиқавермайсизми, менга гап тегади” деди...

Дугонамнинг ёнига шошилдим. Уни ўз кўзим билан кўргач, кўнглим анча жойига тушди. Олдида опаси қараб турган экан. Кайфиятини кўтариб, ҳамма кўрган-билганлардан салом етказдим. Юзлари ёришиб, суюниб кетди. Шифохонадаги шарт-шароитларни роса мақтади. Сўнг ўзини операция қилган ва ҳар куни икки-уч марта хабар олаётган фидойи шифокорларнинг муомаласи, ширинсўзлиги, айниқса, ҳамшира қизларнинг чин кўнгилдан, беминнат ёрдам бераётганини айтганида очиғи, пастда ҳозиргина ўзим гувоҳи бўлган кўнгилсиз ҳолатни ҳам унутдим. Негаки, дугонам бечора бу ёққа келгунича бир-иккита инсофсиз одамларнинг унга “касали оғирлиги, катта пул бўлмаса даволаш мушкул эканлигини” шаъма қилганини эслаб, энди эса ҳаётга, яшашга бўлган ишончи, умиди бутунлай ижобий томонга ўзгарганини айтиб, кўз ёши ҳам қилиб олди.

Мен эса унинг ҳайрат тўла кўзларига боқиб “қўйсанг-чи, ўртоқжон, сен касалман деб баҳона қилиб юргансан, мана, энди рангларинг ҳам бошқача, ҳамма сени кутиб юрибди, қачон ишга чиқаркан?", дея роса кўнглини кўтардим. Ва энди хайрлашиб, кетиш учун чоғланаётсам... бир барзанги йигит беморлар ётган палата эшигини шаҳд билан очди-да, «қани, ортиқча одамлар тез чиқиб кетинглар», деб қолди.

Ишонасизми, бундай қўпол муомала ва ғалати манзарани кўриб, қотиб қолдим. Бу йигитнинг ўзи ким, устида на халати бор, на салом-аликни билади, демак, тиббиётчи эмас. Тушунолмай Гулшода дугонамнинг опасига қарадим. У киши шивирлаб изоҳ берди:" Ётган касалларга қараб турганлар ва ўзи кириб-чиқадиганлар бор-ку, шулар ҳар-ҳар замонда кўчага бориб келади. Энди, қариндошлар узоқда, ҳаммаям кўргани кела олмайди, ҳар хил нарсалар керак бўлиб қолади. Чиқаётганимизда шу қоровулларга пул қистирмасак, рухсат беришмайди!

Ана холос, кириш ҳам пуллик, чиқиш ҳам пуллик экан-да!

**Шаҳноза РОФИЕВА,**
**“Оила ва жамият” мухбири.**

***ТАҲРИРИЯТДАН: Дарвоқе, ҳар иккала ҳолат ҳам кулгули, ҳам аянчли. Ушбу манзарани ҳеч бир баҳонаи сабаб билан оқлаш мумкин эмас. Албатта, ҳар биримиз иссиқ жонмиз. Турли ташвишлар сабаб гоҳи ўзимиз, гоҳида эса бошқаларни кўргани шифохоналарга йўлимиз тушади. Халқимизнинг сиҳат-саломатлигини муҳофаза қилиш ва тиклаш, қолаверса, куну тунларини сизу бизнинг соғлик-омонлигимизни ҳимоя қилишдек савобли ишга камарбаста бўлаётган чин маънодаги фидойи шифокорларимизга ҳар қанча раҳматлар айтсак арзийди. Лекин... минг афсуски, юқоридагидек кўнгилсиз ҳолатлар бугунги кунда тиббиёт соҳасида жуда катта муваффақиятларга эришаётган республикамиздаги мўътабар даргоҳлар обрўсига соя солади. Ўйлаймизки, ўз нафсини тия олмаётган айрим кимсаларнинг бундай хатти-ҳаракатлари жазосиз қолмайди.***


# «ИНФАРММАДАД»

**Саломатлик марказига марҳамат!**

*Марказда сизнинг хизматингизда — эндокринолог, невропатолог, кардиолог, гинеколог, уролог, гельминтолог, лор, окулист, болалар невропатологияси соҳаларида малакали шифокорлар (УЗИ, ЭХО, ЭКГ, лаборатория, физиотерапиялар) фаолият олиб борадилар.*

**КЎПЛАБ ОИЛАЛАРГА ФАРЗАНД ҚУВОНЧИНИ ТУҲФА ЭТИБ КЕЛАЁТГАН САЛОМАТЛИК МАРКАЗИ СИЗНИНГ ҲАМ ХОНАДОНИНГИЗДА ЧАҚАЛОҚ ОВОЗИ ЯНГРАШИГА САБАБЧИ БЎЛАДИ!**

*Ёш келинлар турмуш ўртоғи билан ҳомиладорлик вақтида «Бўлажак оналар мактаби»га қатнаб, тегишли маслаҳатлар билан бирга даволаш гимнастикаси (ЛФК), психоневролог, кардиолог (ЭКГ) кўригидан ўтиб, фойдали йўл-йўриқлар олиб туриши мумкин.*

***Эндигина дунёга келган чақалоқ эса мунтазам равишда болалар невропатологи, педиатр, психолог, эндокринолог, логопед, гельминтолог кўригида бўлади.***

*Ҳурматли эркаклар! Агар сизда бел, қовуқ соҳасида оғриқ бўлса, тунда ҳожатга тез-тез чиқиш, пешоб келгандан сўнг ачишиш, жинсий ожизлик, бепуштлик, сабабсиз бош оғриғи, бел, бўйин оғриб қотиб қолиши, асабийлик, уйқусизлик, семизлик ҳолатлари кузатилса, малакали уролог, сексопатолог, невропатолог, эндокринолог ёрдамида барча дардлардан тезда фориғ бўлишингиз мумкин.*

***Балоғат ёшидаги қизларда ҳайз келганда кучли оғриқ бўлиши, бепуштлик, сабабсиз қон кетиши, тухумдон кистаси, асабийлашиш, қирқ ёшдан ошган аёлларда қон босими ошиши, терлаш, миома, эрозия ҳолатлари бўлса малакали гинеколог, невропатолог, кардиолог, эндокринолог ёрдамида даволанади.***

**МАНЗИЛИМИЗ: Тошкент шаҳри, «Ғафур Ғулом» метро бекати.**
**МЎЛЖАЛ: Цирк томонга 150 метр юрилади.**
**Тел: (8-371) 244-73-24, 244-49-02**

*Барча хизматлар лицензияланган.*


Бахтли бўлинг! Бахтли бўлинг! Бахтли бўлинг!




## ОТАМ БИЛГАН ЭКАН

«Армия сафида йигитлик бурчимни бажариб юрган чоғимда Марина деган рус қизини ёқтириб қолдим. Ота-онамга у ҳақда тинмай хат ёзардим. Онам кўнглимни ўкситишни истамаса-да, отам қатъий рад жавоби битилган мактуб йўлларди. Мен хизматни ўтаб бўлгач, қайсарлик қилиб, Маринани ўзим билан олиб келдим. Отам ҳам ноилож рози бўлди-ю, лекин «бир куни пушаймон бўласан», — деб қўйди холос.

Тўй қилиб, аҳил-иноқ яшай бошладик. Шу орада қизчалик бўлдик. Кўп ўтмай, у яқин бир дугона топиб олиб, ўзгара бошлади. Яъни ичкиликка ружу қўйди. Охири уйдагиларим, маҳалла-кўй олдида уятга қолдим. Ва ажрашдик. У қизимдан ҳам воз кечди. Онам невараcини вояга етказиб, ўзбек йигитига узатди. Неварали бўлдим. Пешонамда бор экан, не-не оғир кунлар бошимдан ўтди. Ўзим Тошкент шаҳрида яшайман. **Ёшим 54 да.** Лекин кейинги пайтларда ёлғизликдан қийналяпман. Мени тушунадиган умр йўлдоши бормикан, деган ниятда сизларга мурожаат этдим.

**Шариф».**

## ОИЛАМ БЎЛСА...

«Болаликдан бирга ўйнаб катта бўлган синфдош дугонам Дилфуза менга ҳамиша яхшиликни раво кўрарди. Бир куни қишлоқдаги аммасиникига меҳмонга мени ҳам қўярда-қўймай олиб борди. Роса яйрадик. Қайтар чоғимизда юз-кўзидан нур ёғилиб турган аммаси: «Дугонанг жуда ёқимтой қиз экан, ўзим келин қиламан», — деди. Шу сабаб бўлди-ю, дугонам мени ўз жигари Рустамга келин қилиш ҳаракатига тушиб қолди. Уйимизга ота-онасини совчиликка бошлаб келди. Рустам бўй-басти келишган йигит эди.

Тўй ҳам бўлиб ўтди. Афсуски, орзуларим сароб бўлиб чиқди. Турмуш ўртоғим дугонамга ҳам, укаларига ҳам сира ўхшамасди. Уни болаликдан бувиси тарбиялаб, вояга етказган экан. Ниҳоятда инжиқ, ишёқмас, бунинг устига калондимоғ эди. Ўртадаги совуқ муносабатдан хабардор бўлган ота-онам бир йил бўлмасдан, мени ажратиб олишди. Ҳозир Тошкент шаҳрида яшайман, ишлайман. Асли бухороликман. Ёшим 37 да. Маълумотим ўрта махсус. Фарзандим йўқ. Хотини вафот этган ёки ажрашган, иймонли, қадримга етадиган инсон учраса, оила қурсам дейман.

**Гулсара».**

## ИЗЛАГАНИМНИ ТОПДИМ

Синфдошларим ҳаммаси уйланганини учун бирор баҳонаи сабаб йиғилдик дегунча, «қачон уйланасан?» — дея мени ҳоли-жонимга қўйишмасди. Онам ҳам менга қиз кўрсатишдан чарчади. Бир куни холам қўлида газета ушлаб, уйимизга кириб келди. «Уялма, сир сақланар экан», дея мени таҳририятга бошлаб борди. У ердагилар ўзимга ўхшаш олий маълумотли, ўрта бўйли, истарали қизнинг суратини кўрсатиб, манзилини беришди. Учрашдик. Ота-оналаримиз атрофлича сўраб-суриштиришиб, тўйимизга розилик беришди. Икки ойдан сўнг тўйимиз бўлди. Ҳозир қизчамиз бор. Бахтли яшаяпмиз.

**Ихтиёр».**

**ТАҲРИРИЯТДАН:**

**«Бахтли бўлинг» рукнига хат йўллаётган ёки бевосита мурожаат қилаётган фуқаролар ўзлари билан паспортлари нусхаси ҳамда яшаш жойидан (маҳалла қўмитасидан) маълумотнома тақдим этишлари шарт. Шунингдек, ажрашганлар бўлса, суд қарорининг нусхасини топширишлари талаб этилади. МУРОЖААТ УЧУН ТЕЛЕФОН: 234-25-46**

# КЕЙИНГИ СОНЛАРДА:

## КЕЧИККАН БАХТ

*— Мен икки нафар фарзанди бор инсоннинг хонадонига келинлик либосида кириб бордим. Мен бахтли эдим. Қишлоқда турлича гаплар тарқалди. Гўё менинг ёшим анча катта бўлиб қолгани учун аввал уйланган эркакка текканмишман. Мен учун бундай миш-мишнинг қизиғи йўқ эди. Йиллар ўтиб, ўзим ҳам уч нафар ўғилли бўлдим, Азамат акамнинг фарзандларини ҳам ўгайлигимни сездирмай тарбияладим. Ҳаммасига ўша илк қалбимга кириб келган муҳаббат сабаб бўлди.*

## «ТУНГИ КЛУБ»ЛАРГА КИМЛАР БОРАДИ?

*... Киришнинг ўзи 8 — 10 минг сўм атрофида экан. Тасаввур қилинг, ҳали бели оғриб, пул топмаган ёш йигит-қизлар бунча пулни қаердан олаётганини ота-онаси билармикан?*


**Муассислар: Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси, Болалар жамғармаси ва «Соғлом авлод учун» Халқаро жамғармаси**

Фойдаланилмаган қўлёзмалар таҳлил қилинмайди, муаллифларга қайтарилмайди, ёзма жавоб берилмайди.

**«Шарқ»** *нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.*
Босишга топшириш вақти – 15:00
Босишга топширилди – 16:00

**E-mail:** oilavajamiyat@sarkor.uz

**Бош муҳаррир: Норқобил ЖАЛИЛОВ**

**Қабулхона: (тел, ва факс) 233-28-20**

**Мухбирлар: 233-04-35, 234-25-46**

**Web-site: oilavajamiyat. uz**

**МАНЗИЛИМИЗ:**
**Тошкент – 700000 Амир Темур кўчаси, 1-тор кўча, 2-уй**
**Мўлжал: «Олой» бозори ёнида**

**Газета таҳририят компьютер базасида терилди ва саҳифаланди.**

**ОБУНА ИНДЕКСИ** – 176

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида **0169**-рақам билан **11. 01. 07**да рўйхатга олинган.
Буюртма Г – 632. Формати А–3, ҳажми 4 табоқ.
Адади – 9100
Навбатчи — **Тамара ХУММАМАТОВА**
Саҳифаловчилар — **Илҳом ЖУМАНОВ, Шерзод БАРОҚОВ**
Мусаҳҳиҳ — **Саидғани САЙДАЛИМОВ**

**ISSN 2010–7609**

1 2 3 4 5 6 7 8 9